ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШОВҚИНДАН ҲИМОЯ

ҚМҚ 2.01.08-96

ЗАЩИТА ОТ ШУМА

расмий нашр
(ўзбекча-русча)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Тошкент 1996

УДК [69+628.517.2] (083.75)

ҚМҚ 2.01.08-96. Шовқиндан ҳимоя (ЎзР. Даварҳитектқурилишқўми Тошкент ш.)
ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ : ЎзЛИТТИ АЖ (А. А. Ерзин-мавзу раҳбари),
ЎзР. ММИ (т.ф.д. Б.Х.Юнусов, т.ф.н. А.А. Мучқаев), ЎзР ССВ НИИСГПз
(ЎФА муҳб. аз. т.ф.д. Т.И. Искандаров, тб.ф.н. М.П.Магай), ТАҚИ
(т.ф.н. Ю.К. Рашидов, Т.М. Мамажонов)
ЎзЛИТТИ АЖ томонидан КИРИТИЛГАН
МУҲАРРИРЛАР : Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бакирхонов, Ш.Т.Абдукомилов
(Даварҳитектқурилишқўми), С.А. Хужаев, Л.А. Мухамедшин,
А.М. Комилов (ЎзЛИТТИ АЖ)
Тасдиқлашга ЎзР. Даварҳитектқурилишқўмининг Лойиҳа ишлари бошқармаси
томонидан ТАЙЁРЛАНГАН (Ш.Т. Абдукомилов).

ҚМҚ 2.01.08-96 "Шовқиндан ҳимоя" кучга кирганидан бошлаб, Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида СНиП II-12-77 "Защита от шума" ўз кучини йўқотади.
ЎзР. ИИВ ЁСБ билан КЕЛИШИЛДИ.

Давлат тилига таржимаси - Рашидов Ю.К., Мамажонов Т.М.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Даварҳитектқурилишқўмининг рухсатисиз тўла еки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

1. Умумий кўрсатмалар.

1.1.Мазкур меъёрлар ва қоидаларга ишлаб чиқариш ва ёрдамчи иморатлардаги иш жойларини, саноат корхоналари территорияларини,турар жой ва жамоат биноларини, шунингдек шаҳар ва бошқа аҳоли жойлашган пунктлар территорияларини лойиҳалаштиришда шовқиндан ҳимоя этиш, яъни рухсат этилган товуш босими ва товуш даражасини таъминлаш учун риоя қилиш шарт.

1.2.Қурилиш-акустик услублари билан шовқиндан ҳимоя этишни лойиҳалаштириш акустик ҳисоб асосида бажарилиши лозим. Ҳисоб қуйидаларни:

а) шовқин манбаларини ва уларни шовқинлик хусусиятларини аниқлаш ;

б) товуш даражаси ёки товуш босими ҳисобланадиган нуқталарни танлаш (ҳисобий нуқта);

в) манбадан ҳисобий нуқтагача товушнинг таркалиш йўлларини аниқлаш ;

г) очиқ майдон учун - товуш таркалишига атроф-муҳит элементларини (экран, ихота дарахтзорлари ва ш.к.) таъсирини аниқлаш; бинолар учун-уларнинг акустик тавсифини аниқлаш ;

д) ҳисобий нуқталарда товуш босими қутилаётган даражасини аниқлаш;

е) амал қилинаётган меъёрларга мувофиқ, ҳисобий нуқталардаги рухсат этилган товуш босими $L_{доп}$ ни аниқлашга ..... уз ичига олади.

Рухсат этилган даражадан ҳисобий даража ортиқ булганда қуйидагилар:

ж) ҳисобий нуқталарда товуш босими даражасининг талаб этил-ган пасайишини аниқлаш;

з) талаб этилган даражага пасайтириш учун чора - тадбир танлаш ва улар эффективлигини текширув ҳисоби ..... ў т к а з и л а д и.

1.3. Акустик ҳисоб ўртагеометрик частота 31,5 дан 8000 Гц гача шовқин спектри бўйича туккизта октавали полоса бўйича бажарилади.

Транспорт ва айрим бошқа турдаги шовқинлар турар жой территорияси учун дБ (А) да бажарилади.

Саноат корхоналарининг ташқи шовқини товушнинг спектр частотасидаги октава полосаларида ҳисобланади.

1.4. Қурилиш-акустика услублари билан шовқин даражасини пасайтиришга қуйидагича:

а) тўсиқ конструкцияларда товуш изоляциясини қўллаш;

Х. Асомов номидаги ЎзЛИТТИ акционерлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг 1996 йил 21 августдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритиш санаси 1 январь 1997 й.

дарвоза, дераза ва эшик периметри бўйича тиқинларини зичлаш, тусиқ конструкциялар ва мухандислик коммуникациялари кесишган жойларни товушдан изоляция қилиш ; товушдан изоляция кабиналарини уюштириш; пана жой; ғилоф билан мазкур меъёрларнинг 6-бўлимига биноан таъминлаш ;

б) мазкур меъёрларнинг 7-бўлимига биноан товушни ютувчи конструкция ва экранларни қўллаш ;

в) мазкур меъёрларнинг 8 ва 9 - бўлимларига биноан шовкин сўндиргичлар, механик ҳаракатланувчан вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларининг газ-ҳаво тракти ва газ динамикаси курилмаларида товушни сўндирувчи копламаларни қўллаш;

г) ҚМҚ 2.07.01-94 "Шаҳар ва кишлоқ аҳолиси ўрнашган жойларини режалаштириш ва куриш" нинг 12-бобига мувофиқ шаҳар ва бошқа турар жой пунктларининг аҳоли жойлашган территориясини режалаштириш ва куришни амалга ошириш, шунингдек, ушбу меъёрларнинг 10-бўлимига биноан экран, ва кўчат қилинган дарахтларни қўллаш йули билан.....э р и ш и л а д и.

1.5. Лойиҳада шовқиндан ҳимоя қилиш учун қабул қилинган техник қарорни техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланган бўлиши шарт.

1.6. Лойиҳаларда фойдаланилган товушдан изоляцияловчи, товушни ютувчи ва тебранишни сўндирувчи материаллар ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган бўлиши шарт.

2. Шовқин манбалари ва уларни шовқинлик тавсифномалари

2.1. Бинолар ва турли мақсадда фойдаланиладиган иншоотлар ичидаги ва саноат корхоналари майдонларида машиналар, механизмлар, транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар асосий шовқин манбаларидир.

2.2. Шовқин манбаларининг ўрта геометрик частотаси 31,5 дан 8000 Гц гача бўлган октава полосасидаги товуш қуввати даражаси шовқин тавсифи бўлиб, акустик ҳисобга асосий керакли катталикдир.

Асбоб-ускуна ва курилмаларни шовқин тавсифи ҳаракатдаги стандартнинг талабига мувофиқ тайёрловчи-завод илова килган техник ҳужжатда кўрсатилган бўлади.

Тахминий ҳисобларда бир группа шовқин манбаини битта эквивалент шовқин манбаси билан алмаштиришга рухсат этилади. Эквивалент шовқин манбаини шовқин тавсифи ҳисоби 1-сон иловада келтирилган.

2.3. Механик ҳаракатланувчан вентиляция, ҳавони кондициялаш ва ҳаво билан иситиш тизимлари, газ динамикаси курилмалар системаси ва шаҳар, поселкалар ва қишлоқ турар жойлардаги ташки шовқинларнинг асосий манбалари ва уларни шовқин тавсифини аниқлаш учун кўрсатмалар ушбу меъёрларнинг 8, 9 ва 10- бўлимларида келтирилган.

3. Шовқин даражаларининг рухсат этилган меъёрлари

3.1. Ҳисобий нуқталардаги доимий шовқинни меъёрлаштирилган параметрлари деб, ўрта геометрик частотаси 31,5, 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц бўлган октава полосадаги, товуш босими, L, дБ даражасини қабул қилиш лозим.

3.2. Ҳисобий нуқталардаги ўзгарувчан шовқинни меъёрлаштирилган параметрлари деб, эквивалент (энергия бўйича) товуш даражасини $L_{экв}$, дБ, қабул қилиш лозим.

3.3. Ҳисобий нуқталардаги узлукли ва импульсли шовқинни меъёрлаштирилган параметрлари деб, ўрта геометрик частотаси 31,5, 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц бўлган октава полосадаги эквивалент (энергия бўйича) товуш босими даражасини қабул қилиш лозим.

3.4. Турар жой ва жамоат бинолари ва уларнинг территориясидаги частотани октава полосасидаги рухсат этилган товуш босими даражасини (эквивалент товуш босими даражаси) дБда, товуш даражаси ва эквивалент товуш даражасини дБда 1-жадв.га биноан унга 2-жадв.ги тузатишга мувофиқ қабул қилиш лозим.

3.5. Частотани октава полосасида рухсат этилган товуш босими даражаси, дБда (товуш босимининг эквивалент даражаси), ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчи жойларидаги товуш даражаси ва эквивалент товуш даражаси дБда харакатдаги стандарт ва санита-рия меъёрларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

4. Ҳисобий нуқталардаги товуш босими даражасини аниқлаш

Ҳисобий нуқталарни танлаш ва ҳоналарнинг акустик тавсифлари.

4.1. Акустик ҳисобларда ҳисобий нуқталарни бино ҳоналари ва иншоот ичида, шунингдек, территориялар, ишчи жойлари ёки кишилар доимо бўладиган жойларда, пол сатҳидан, ишчи майдонлар ёки территориянинг режалаштириш (текисланган) белгисидан 1,5 м баландликда танланиши лозим

Очиқ жойлардаги ҳисобий нуқталарни кишилар доимо бўладиган ерларда, шунингдек, шовкин манбаига қараб турган энг якин бинонинг биринчи, ўртадаги ва охирги қаватлар текислигидан 2 м масофада танлаш лозим.

Бир хил турдаги жихозлар гурухли жойлашган цехлар учун ҳисобий нуқталарни ҳар бир гурух марказида танлаб олиш лозим.

Бир-биридан, товуш қуввати даражаси ҳар қандай октава полосасида, 15 дБдан кўп фарқ қилган бир неча манбалар бор бўлса, ҳисобий нуқталарни максимал ва минимал қуввати манбалар олдида танлаб олиш лозим.

4.2. Хона ичидаги ҳисобий нуқталардаги товуш босимининг октава даражасини, унинг акустик тавси-фини ҳисобга олган ҳолда, аниқ-лаш лозим.

Акустик тавсифлар қуйидагилардир:

а) гурух, хона ўлчамлари нисбати қайси қаторга қўйилишига қараб;

б)хона тўсиқ юзаларини товуш ютишининг ўртача коэффициенти α_0 , 3-жадв. дан аниқланади.

1-жадвал

Хоналар ва территориялар	Ўрта геометрик частотали Гцда октава полосалар частоталаридаги товуш босимлари даражаси L товуш босимини эквивалент даражаси $L_{экв}$ дБда									Товуш даражаси $L_{э}$ ва эквивалент товуш даражаси $L_{э.экв}$ дБда
	31.5	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000	
1.Касалхона ва санатория палаталари, жарроҳлик хоналари.	68	51	39	31	24	20	17	14	13	25
2.Квартираларнинг яшаш хоналари, дам олиш уйлари ва пансионатларнинг яшаш хоналари, мактабгача болалар муассасаларининг ва мактаб-интернатларнинг ётоқхоналари.	72	55	44	35	29	25	22	20	18	30
3.Касалхона, поликлиника санатория врачлари хоналари, концерт заллардаги томошабин заллари, меҳмонхона номерлари, умумий ётоқхонанинг яшаш хоналари.	78	59	48	40	34	30	27	25	23	35
4.Касалхона,санатория синфларига бевосита тегишли территориялар	78	59	48	40	34	30	27	25	23	35
5.Бевосита турар жой биноларига тегишли (тусиқ конструкциялардан 2м масофада); микрорайонларнинг дам олиш майдонлари ва турар жой биноларининг ички ҳовлилари, мактабгача болалар муассасаларининг майдонлари, мактаб участкаларининг территориялари.	84	67	57	49	44	40	37	35	33	45
6.Синф хоналари, ўқув кабинетлари, мактаб ва бошқа ўқув юртлари аудиториялари, конференцзаллар, ўқув заллари, театрлар, клублар, кинотеатрларнинг томоша заллари, суд мажлиси ва кенгаш заллари.	82	63	52	45	39	35	32	30	28	40
7.Бошқарув, конструктор, лойиҳалаш, илмий-текшириш институтларининг ишчи хоналари.	86	71	61	54	49	45	42	40	38	50
8.Ресторан, кафе, ошхона заллари, театр ва кинотеатр фойелари.	89	75	66	59	54	50	47	45	43	55
9.Магазинларнинг савдо заллари, спорт заллари, аэропорт ва вокзалларнинг кутиш заллари, машиний хизмат корхоналарининг кабул пунктлари.	93	79	70	63	58	55	52	50	49	60

Эслатмалар: 1.Ҳавони кондициялаш, ҳаво билан иситиш ва вентиляция ўймал(рига ёпишиб турган хоналарда вужудга келаётган шовқин учун, октава полоса частоталарида товуш даражаси дБда, шовқин учун товуш даражаси ва эквивале.ит товуш даражаси дБда 1- жадвалда кўрсатилгандан ёки иш пайтидаги шовқиннинг асл даражасидан 5 дБ дан паст қабул қилиш лозим (тузатиш $\Delta_п$ =-5 дБ), агар сўнгиси шу жадвалдаги кўрсатилганидан ошмаса, (оҳангли шовқин учун бу ҳолда 2- жадвал бўйича тузатиш қўлланилмайди).

2.Траспорт воситалари туфайли вужудга келган (автомобил, темир йўл, ҳаво шовқин манбаига қараган тўсиқ конструкцияларидан 2 м наридаги шовқин учун эквивалент товуш даражасини 10 дБАга, ортиқ товуш даражаси 1-жадвал 5 ўриндагига нисбатан қабул қилишга рухсат этилади.

в) хонадаги икки кетма-кет қайтарилган эркин босиб ўтган товуш нурининг ўртача узунлиги, $\bar{l}$;

г) хонадаги товуш ютилишининг ўртача коэффициенти, α;

д) хонадаги товуш ютилишининг кўрсаттичи, а;

е) хона доимийси, в.

4.3. Хоналар гуруҳлар бўйича қуйидагича бўлинади:

а) мувофиқ, уларда энг катта ўлчамни энг кичикка нисбати 5 га тенг;

б) ясси, уларда узунликни баландликка нисбати 5 дан ортиқ эмас, кенгликни баландликка нисбати эса 4 дан кам бўлмаслиги лозим.

в) узун, уларда узунликни баландликка нисбати 5 дан ортик, кенгликни баландликка нисбати 4 дан кам бўлиши лозим.

Агар хона тўғрибурчакли бўлмаса, хисоблашда хона ўлчамлари: баландлиги, кенглиги ва узунлигининг ўртача ўлчамлари олинади.

4,4. Хонадаги кетма-кет қайтарилган, эркин босиб ўтилган товуш нурининг ўртача узунлигини қуйидаги тенглама орқали хисоблаш лозим

$$\bar{l} = 4V/S_{0\ гр}, \quad (1)$$

бу ерда V - хона ҳажми, м^3;

$S_{0\ гр}$ - пол ва шипни хисобга олган ҳолда, ўраб турувчи сиртнинг жами юзаси, м^2.

4.5. Хонанинг товуш сингдирувчи ўртача коэффициенти α ва товуш сингдириш кўрсаттичи, а ни қуйидаги формула билан хисобланади

$$\alpha = 1 - (1 - \alpha_0)e^{-m\bar{l}}, \quad (2)$$

$$a = -\ln(1 - \alpha_0) + m\bar{l}, \quad (3)$$

бу ерда $\bar{l}$ - эркин босиб ўтилган нур узунлиги 4.4 б. бўйича, м;

α_0 - ўраб турувчи юзаларнинг ўртача товуш сингдирувчи коэффициенти (3-жадвал);

$m = \beta / 4340$ хона ҳажмида товуш сингдиришни аникловчи эмперик кўпайтма;

β - ҳавода товушни сингдириш коэффициечти, дБ/км 4-жадвалдан аникланади.

4.6. Хона доимийси в, м^2 қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$в = \frac{A}{1 - \alpha}, \text{ м}^2 \quad (4)$$

бу ерда α-товуш сингдирилишининг ўртача коэффициенти 4.5 б. бўйича,

$A = \alpha S_{0\ гр}$ - товуш сингдирилишини эквивалент юзаси, м^2, $S_{0\ гр}$ - 1-формуладаги катталик.

2- жадвал

Таъсир кўрсатувчи фактор	Шароитлар	Тузатиш дБ ёки дБА да
Шовкин характери	Кенг полосали шовкин.	0
	Тонал ёки импульсли шовкин (стандарт шовкин ўлчагич билан ўлчанганда)	- 5
	Курорт райони	-5
Объектнинг жойлашган жойи (объект ўрни)	Янги лойихалаштирилаётган шахарнинг яшаш райони.	0
	Курилиши шаклланган жойда курилаётган яшаш бинолари	+5
Сутка	Кун соат 7 дан 23 гача	+10
Вакти	Тун соат 23 дан 7 гача	0

Эслатмалар: 1.Сутка вакти бўйича тузатиш, квартираларнинг яшаш хоналари, дам олиш уйлари ва пансионатларнинг ётокхоналари. мактабгача болалар муассасалари ва мактаб-интернатларнинг ётокхоналари, касалхона палаталари ва санаторияларнинг ётокхоналари, умумий ётокхоналарнинг яшаш хоналари, турар жой бинолари, касалхона, санатория бинолариға туташ территориялар учун товуш босими даражаси ва товуш даражаси аниқланаётганда киритилади.

2. Объект ўрни учун тузатиш, квартираларнинг яшаш хоналари, пансионат ва дам олиш уйларининг ётокхоналари, боғча ва мактаб - интернатларнинг ётокхоналари, касалхона палаталари ва санаторияларнинг ётокхоналари, умумий ётокхоналарнинг яшаш хоналари ва мехмонхона номерлари учун ташқи манба вужудга келтираётган шовкин учун товуш босими даражаси ва товуш босимининг рухсат этилган даражасини аниқлашда фойдаланилади.

3. Объект ўрни учун тузатиш, курилиш шаклланган жойда янгидан курилаётган биналар учун киритилмайди.

Хоналардаги кутилаётган шовкин даражаларининг ҳисоби

4.7. Агрегат ёки станок олдидаги иш жойида товуш босимини октава даражаси қуйидаги формула билан аниқланади

$$L = L_p + 10\lg П \qquad (5)$$

бу ерда L_p - шовкин манбаининг товуш қувватининг октавали даражаси, дБ;

П - тўғри (йўналган) товуш хиссасининг катталиги, дБ.

П нинг қийматлари тенг

$$П = \frac{\varphi}{\Omega r^2} \quad r \geq 2l_{max} \text{ бўлганда,} \quad (6)$$

$$П = \frac{\Re\varphi}{S} \quad r < 2l_{max}, \text{ бўлганда,} \quad (7)$$

бу ерда r - манбанинг акустик марказидан ҳисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м;

l_{max} - манбанинг максимал габарит ўлчамлари, м;

φ - шовкин манбаидан нурнинг йўналиш фактори, тажриба маълумотлари орқали аниқланади. Агар маълумотлар бўлмаса, $\varphi = 1$ деб қабул қилинади.

3-жадвал

Хонани тўсиб турувчи юзаларни товуш ютишининг ўртача коэффициенти $\alpha_в$

Хонанинг тури	Товуш ютилиш коэффициенти, ўртача геометрик частотали октава полосаларида, Гц								
	31.5	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
1.Машина заллари, генератор хоналари, тажриба стендлари, вентиляция камералари	0.09	0.07	0.08	0.08	0.08	0.08	0.08	0.9	0.9
2.Ювилувчи қоплама билан қопланган тўсиб турувчи девор билан тўсилган корхона цехлари	0.09	0.07	0.08	0.08	0.08	0.08	0.08	0.9	0.9
3.Механик ва металга ишлов берувчи цехлар, агрегат йиғув цехлари	0.04	0.10	0.10	0.10	0.11	0.12	0.12	0.12	0.12
4.Ёғочга ишлов бериш цехлари, тўқимачилик саноати корхоналари, бошқарув постлари, амалиётхоналар, конструкторлик бюролари, бошқармаларнинг ишчи бинолари	0.05	0.11	0.11	0.12	0.13	0.14	0.14	0.14	0.14

Эслатма. $\alpha_в$ катталиклари мувофиқ хоналар учун келтирилган. Мувофиқ бўлмаган хоналар учун 4.3 бўйича $\alpha_в$ ни ясси хоналар 1,4га; узун хоналар учун 1,2га кўпайтириш лозим.

4-жадвал

Нормал атмосфера босимида товуш ютилиши коэффициентлари, дБ/км

Ҳарорат °t °C	Нисбий намлик %	Октава полосаларининг ўрта геометрик частоталари Гц						
		125	250	500	1000	2000	4000	8000
30	10	0.9	1.9	3.5	8.2	26	88	225
	20	0.6	1.8	3.7	6.4	14	40	154
	40	0.3	1.2	3.6	7.2	12	27	83
	60	0.2	0.9	3.0	7.5	14	25	64
	80	0.2	0.7	2.5	7.2	15	25	57
20	10	0.8	1.5	3.8	12.1	40	109	196
	20	0.7	1.5	2.7	6.2	19	67	208
	40	0.4	1.3	2.8	4.9	11	34	120
	60	0.3	1.1	2.8	5.2	9.6	25	83
	80	0.2	0.9	2.7	5.5	9.7	21	66
10	10	0.7	1.9	6.1	19	45	70	87
	20	0.6	1.1	2.9	9.4	32	90	170
	40	0.5	1.1	2.0	4.8	15	64	170
	60	0.4	1.0	2.0	3.9	10	38	125
	80	0.3	1.0	2.1	3.7	8.5	27	98
0	10	1.0	3.0	8.9	18	23	26	34
	20	0.5	1.5	5.0	16	37	57	73
	40	0.4	0.9	2.3	7.7	26	74	141
	60	0.4	0.8	1.7	4.9	17	58	156
	80	0.4	0.8	1.5	3.8	12	44	141

Эслатма. Октава полосаларининг ўрта геометрик частоталари 31,5 ва 63 Гц бўлган ҳолда, товуш ютилиш коэффициенти ноаниқ олинмайди.

Ω - товушнинг фазовий бурчаги, фазода жойлашган шовкин манбалари учун - Ω = 4π;

территория ёки бино ва иншоотнинг тўсиқ конструкциялари сиртида бўлса - Ω = 2π;

бино ва иншоотларнинг тўсиқ конструкциялари 2 қиррали бурчак хосил килган жойда жойлашган бўлса - Ω = π;

уч қиррали бурчакда жойлашган бўлса -

$$\Omega = \frac{\pi}{2},$$

бу ерда S - манбани ўраб турган ва хисобланаётган нукта орқали ўтган, тасаввурдаги тўғри геометрик форма юзасининг майдони, м^2.

$2l_{max}<r$ бўлган шовкин манбалари учун, шовкин манбаини жойлашишига караб, фазода (хона колонналарида) - $S = 4\pi r^2$;


девор, том юзаларида, -$S = 2\pi r^2$ тўсиқ конструкциялари хосил килган 2 қиррали бурчакда, - $S = \pi r^2$;

тўсиқ конструкциялари хосил килган 3 қиррали бурчакда, - $S = r^2/2$;

в - хона (бино) доимийси м^2, ушбу меъёрнинг 4.6 банди бўйича аникланади;

Я - коэффициент, энг якин акустик майдоннинг таъсирини ва манбанинг акустик маркази хамда хисобланаётган нукта орасидаги r масофани шовкин манбасининг максимал габарит ўлчами l_{max} га (1-расм бўйича аниклинган) нисбатини хисобга олувчи коэффициент.

Эслатма. Пол ёки деворда жойлашган шовкин манбаининг акустик марказини, шовкин манбасининг геометрик марказини горизонталь ёки вертикаль текисликлардаги проекцияси билан тўғри келади деб қабул килиш лозим.



1-расм. r-ни шовкин манбасигача максимал чизикли ўлчами l_{max} га нисбатига боғлик бўлган Я коэффициенти аниклаш графиги.

4.8. Бир ўлчовда бўлган хоналар. Битта шовкин манбаи бўлган хоналарда жойлашган хисобий нукталар учун товуш босимининг октава даражаси L, дБда куйидаги формула билан аникланади:

$$L = L_p + 10\lg(\Pi + 4/B) \quad (8)$$

бу ерда L_p - шовкин манбаининг товуш кувватини октава даражаси, дБ.

П, В - (4),(6) ва (7) формуладаги катталиклар.

4.9. Бир ўлчовда бўлган хоналар. Бир неча шовкин манбалари бўлган хоналарда хисобий нукталар учун товуш босимининг октава даражаси куйидаги формула билан аникланади:

$$L = 10\lg\left(\sum_{i=1}^{m_1} \lambda_i \Pi_i + \frac{4}{B}\sum_{i=1}^{n} \lambda_i\right), \quad (9)$$

бу ерда $\lambda_i = 10^{0.1L_{pi}}$

L_{pi}, Π_i - (8) формуладаги катталик бўлиб, i-манба учун;

m_1 - хисобланаётган нуктадан бевосита кўринадиган зонада жойлашган манба сони.

n - хонадаги ускуналарнинг ўртача бир вактда ишлаш коэф-

фициентини хисобга олган холдаги манбаларни умумий сони. Узоклашган манбалар, товуш кувват даражаси хисобланаётган нуктага якин жойлашганига караганда бир-биридан 15 дБ ва ундан кўпрок фарк килса, хисобдан чикариб юборилиши мумкин.

Товуш кувват даражаси бир хил бўлган бир турдаги манбалар учун хисоб куйидагича бажарилади:

$$L = L_{p0} + 10\lg\left(\Sigma_{пр} + \frac{4n}{B}\right), \quad (10)$$

бунда $\Sigma_{пр} = \sum_{i=1}^{m} n_i$;

L_{p0} - битта манбанинг товуш кувватини октава даражаси, дБ;

n_i - (8) формуладаги катталик;

m - хисобланаётган нуктадан $r \le 5r_{min}$ масофада бевосита кўринаётган манбалар сони;

r_{min} - хисобланаётган нуктадан энг якин шовкин манбаигача бўлган масофа.

4.10. Ясси хоналар. Битта шовкин манбаи бўлган хоналарда жойлашган хисобий нукталар учун товуш босимини октава даражаси куйидаги формула билан аникланади:

$$L = L_p + 10\lg\left[\Pi + \frac{1-\alpha}{H(r+H)} J(\alpha,\rho)\right], \quad (11)$$

бунда L_p,П - (8) ва (10) формуладаги катталиклар;

r - манбадан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м;

α - 4.5 банд оркали аникланадиган овоз ютилишини ўртача коэффициенти;

H - хона баландлиги, м;

J(α,ρ) - функция киймати, 2-расмдаги график бўйича аникланади.

Бу ерда, P = ar/l, a - 4.5 банд бўйича аникланадиган хонадаги товуш ютилиш кўрсаттичи; l - 4.4 банд бўйича аникланадиган товуш нурини эркин босиб ўтган ўртача узунлиги.

Эслатма. Агар манба товушни сингдирадиган копламс билан копланмаган девор олдидан 1 дан кам масофада жойлашган бўлса, хисобланган даражаси 3 дБ, агар бурчакда жойлашган бўлса- 6 дБ кўшилади.

4.11. Ясси хоналар. Бир неча шовкин манбалари бўлган хоналарда жойлашган хисобий нукталар учун товуш босимини октава даражаси куйидаги формула билан аникланади:

$$L = 10\lg\left[\sum_{i=1}^{m_1} \lambda_i \Pi_i + \frac{1-\alpha}{H} \sum_{i=1}^{n} \frac{\lambda_i}{r_i + H} J(\alpha,\rho_i)\right], \quad (12)$$


бунда λ_i, Π_i, m_i - (9) формуладаги катталиклар;

α, H - (11) формуладаги катталиклар;

r_i, ρ_i - (11) формуладаги катталиклар, аммо i- манба учун.

Пол майдони бўйича бир текисда (бир хил масофада), бир хил товуш кувватини октава даражасига эга бўлган бир турдаги шовкин манбалари учун товуш босимини октава даражаси (10) формула билан аникланади.

4.12. Узун (чизик) хоналар. Битта шовкин манбаи бўлган хоналарда жойлашган хисобий нукталар учун товуш босимини октава даражаси куйидаги формула оркали аникланади:



2-расм. J(α,ρ) функцияси аниқлаш учун график.

$$L = Lp + 10lg\left[\Pi + \frac{1-\alpha}{HG}\cdot\frac{r+G}{r+H}J(\alpha,\rho)\right], \quad (13)$$

бунда L_p, П, r, - (8),(10),(11) формуладаги катталиклар;

α,H,J(α,ρ) - (11) формуладаги каби катталиклар;

G - хона кенглиги, м.

Агар манба товушни ютадиган коплама билан копламаган чека девори олдидан 7 дан кам масофада жойлашган бўлса, хисобланган даражага 3 дБ қўшилади.

4.13. Узун (чўзик) хоналар. Бир неча шовкин манбалари бўлган хоналарда жойлашган хисобий нукталар учун товуш босимини октава даражаси қуйидаги формула билан аникланади:

$$L = 10lg\left[\sum_{i=1}^{m}\lambda_i\Pi_i\frac{1-\alpha}{HG}\sum_{i=1}^{n}\frac{r_i+G}{r_i+H}\lambda_i J(\alpha,\rho)\right], \quad (14)$$

бу ерда барча катталиклар (12) ва (13) формуладаги катталиклар, фақат i-манба учун.

Пол майдони бўйича бир текисда (бир хил масофада), бир хил товуш кувватини октава даражасига эга бўлган бир турдаги шовкин манбалари учун товуш босимини октава даражаси (10) формула билан аникланади.

Тўсиклар, каналлар ва тўсик конструкциялари оркали ўтган шовкин даражасининг хисоби

4.14. Тўсик конструкциялардан (девор, том, ойна ва х.к.) ёки очик ўйма жойлардан (3а, 3б расм) хоналарга ўтувчи шоькин товуш босимини октава даражаси $L_ш$ куйидаги формулалар оркали аникланади:

а) бир ўлчовда бўлган хоналар учун (8) формула билан;

б) бир ўлчовда бўлмаган хоналар учун, агар шовкин узун левор ёки томни кичик участкаларидан утаётган бўлса, (11) ва (13) формула билан аникланади;

в)ясси хоналар учун, агар шовкин манбаи бўлиб, бутун девор булса

$$L_ш = L_{рпр} + 10lg\left[1/s \cdot \frac{1-\alpha}{HD}J(\alpha,\rho)\right] \quad (15)$$

формула билан аникланади, бунда $L_{р\,пр}$ - тўсик оркали ўтган шовкин товуш кувватини октава даражаси, дБ;

D - девор узунлиги;

H,α, J(α,ρ) - (11) формуладаги катталиклар.

г) ясси ва узун (чўзик) хоналар учун, агар шовкин том ва узун девор бўйича ўтса, мос равишда (8) формула бўйича.

(8), (11), (13) формулалардаги хисобда $L_р$ сифатида, тўсик оркали ўтган ва 4.16 - 4.19 бандлар оркали аникланган шовкин товуш кувватини октава даражаси $L_{р\,пр}$ дан фойдаланилади, П эса

$$S = B_1B_2 + \pi(B_1 + B_2) + 2\pi r^2, \quad (16)$$

формула билан аникланган 1/S билан алмаштирилади,

бунда B_1,B_2 - тўсик ўлчамлари, м;

r - (15) формулада ρ аниклашда фойдаланилган, хисобланаётган нуктадан тўсикни энг якин нуктасигача бўлган масофа.

4.15. Икки хонани ёки хонани фазо билан бирлаштирувчи канал оркали ўтаётган шовкин товуш босимини октава даражаси $L_ш$ 4.14 (а,б) банди билан, агар хи-

собланаётган нукта хонадан ташқарида жойлашган бўлса (21) формула ёрдамида аникланади.

4.16. Шовкин хосил қилувчи манба хона ичида жойлашганда, тўсиқ (хонани тусик конструкциялари) (3а, 3б расм) икки хонани ёки хонани фазо билан бирлаштирувчи канал оркали ўтаётган шовкин товуш босимини октава даражаси $L_{р\ пр}$, дБда, қуйидаги формула бўйича аникланади:


$$L_{р\ пр} = L + 10\lg S_п - \Delta L_р - \delta_д, \quad (17)$$

бу ерда L - тўсиқ олдидаги босимини октава даражаси, шу бандниng 3 ва 4 эслатмасига биноан аникланади;

$S_п$ - тўсиқ майдони, $м^2$;

$\Delta L_р$ - товушни тусиқ оркали утиши натижасида шовкин товуш кувватини пасайиши, шу бандниng 1 ва 2 эслатмасига биноан аникланади;

$\delta_д$ - тузатиш дБда, товуш тулкинларини тўсиққа тушишидаги товуш майдони характерини хисобга олувчи катталик, шу бандниng 3 ва 4 эслатмасига биноан кабул килинади.



3-расм. Хисобланадиган нукта ва шовкин манбаини жойлашиш схемаси.

ИШ - шовкин манбаи; РТ - хисобий нукта; А - оралик нукта; I - шовкин манбаи бор хона; II - фазо, атмосфера; III - шовкиндан химоя килинаётган хона.

Эслатмалар: 1. Агар тўсувчи конструкциялар тўсиқ бўлса, у холда $\Delta L_р$=R, бу ерда R - тўсувчи конструкциянинг частотали октава полосасидаги хаво шовкинидан изоляцияси, ушбу меъёрнинг 6 бўлими талабига биноан аникланади.

2. Агар тўсиқ бўлиб, кириш туйнуги майдони $S_п$га тенг канал бўлса, $\Delta L_р$ каналдаги товуш кувватини октава полосадаги йиғиндили пасайишига тенг бўлади ва ушбу меъёрни 8 бўлими талабига биноан аникланади.

3. Товуш тўлкинлари хонадан тўсиққа тушганида тузатиш $\delta_д$= 6 дБга тенг, L эса (3) ёки (6) формула билан аникланади.


4.Товуш тўлкинлари атмосферадан тўсиққа тушганига тузатиш $\delta_д$=0га тенг, L эса (7) ва (11) формула билан аникланади.

4.17. Канал оркали ўтган шовкин товуши кувватининг октава даражаси $L_{р\ пр}$, дБда, агар шовкин бошқа хона ёки атмосфера билан уланган каналга бевосита тарқалаётган бўлса, қуйидаги формула билан аникланади:

$$L_{р\ пр} = L_{р\ вх} - \Delta L_р, \quad (18)$$

бу ерда $L_{р\ вх}$ - шовкин манбаидан каналга тарқалаётган товуш куввати даражаси, дБда. Шу меъёрни 8 ва 9 бўлимлари кўрсатмасига биноан аникланади.

ΔL_p - товушни тарқалиш йўли бўйича, товуш қувватининг йиғиндили пасайиши.



4-расм. Каналга шовқин тарқатаётган манба (иш) ва бошқа бинода, шовқиндан ҳимоя қилинаётган хонада жойлашган ҳисобланаётган нуқтани жойлашиш схемаси.

r_1 - канални кириш туйнугидан, шовқиндан ҳимоя қилинаётган хона ташқи тўсиғигача бўлган масофа;

r_2, r_3 - тарқатувчи юза марказидан, шовқиндан ҳимоя қилинаётган хона ташқи тўсиғигача бўлган масофа.

Товушни тарқалиш йўли бўйича, шовқин манбаининг товушини қуввати октава даражасини йиғиндили пасайиши ΔL_p, дБда қуйидагича: каналнинг чиқиш туйнуги орқали товуш тарқалаётганда-ушбу меъёрларни 8 бўлими кўрсатмасига биноан, канал элементлари ёки каналлар тизимидаги товуш қувватининг даражаси йигинди каби аниқланиши лозим, масалан, вентиляция ҳаво йўли тармоқларида;

товуш канал девори орқали тарқалганда қуйидаги формула билан:

$$\Delta L_p = \Delta L'_p - 10\lg\frac{S_{кан}}{S_0} + R_{кан} + 3 - 10\lg(1 + 10^{-0,1\Delta L}), \quad (19)$$

бу ерда $\Delta L'_p$ - шовқин тарқалаётган каналнинг бошланғич жойдаги кесими ва шовқин манбаи орасидаги товушни тарқалиш йўли бўйича товуш қувватининг октава даражаси пасайиши дБда, ушбу меъёрларнинг 8 бўлими шартига биноан аниқланади.

S_0- канал кўндаланг кесими, м^2;

$S_{кан}$-канални шовқин тарқалаётган ташқи деворлари юзаси, м^2;

$R_{кан}$ - канал деворлари туфайли ҳаво шовқини изоляцияси, дБ;

ΔL - қурилаётган канал участкасини узунлиги бўйича товуш қувватини пасайиши даражаси, ушбу меъёрнинг 8 бўлими шартига мувофиқ аниқланади.

4.18. Шовқин манбалари бошқа бинода (4-расм) жойлашган хонада бўлганда, шовқиндан ҳимоя қилинаётган хонадаги тўсиқдан ўтган шовқин товуш қуввати октава даражасини $L_{p\ пр}$, дБда, кетмакет аниқлаш керак.

Аввал манба (бир неча манба) жойлашган хонадан турли тўсиқлар орқали атмосферага ўтган шовқиннинг товуш кучланишини октава даражасини, L_{p1}, дБда (17) ва (18) формула орқали аниқлаш лозим. Сўнгра шовқиндан ҳимоя қилинаётган хонанинг ташқи тўсиқ конструкциялари олдидаги оралиқ ҳисобланаётган А нуқтадаги шовқиннинг товуш босими октава даражасини (21) формуладан фойдаланиб, ундаги L ўрнига L_1, L_p ўрнига эса L_{p1}ни алмаштириб, ҳисобланади.

Шундан сўнг, А нуқтадаги товуш қувватини суммар октава даражасини $L_{сум}$, дБда, (20) формула билан аниқланади, сўнгра шовқиндан ҳимоя қилинаётган хонага ўтган шовқиннинг товуш қувватини октава даражаси, $L_{p\ пр}$

дБда, (17) формуладаги Lни $L_{сум}$ га алмаштириб ва $\delta_д = 0$ хисобланади.

4.19. Бир неча шовкин манбаларидан товуш босимини октава даражаларини $L_{сум}$ дБда, хар кайси шовкин манбаида (хонага ёки атмосферага шовкин ўтаётган хар бир тўсикдан) танлаб хисобланаётган нуктадаги овоз босимини йиғиндиси L_i, дБда, каби куйидаги формула билан аниклаш лозим:

$$L_{сум} = 10\lg \sum_{i=1}^{n} 10^{0,1L_i} \qquad (20)$$

Корхона майдони ёки турар жой бинолари территорияларидаги товуш босими даражасининг хисоби

4.20. Агар шовкин манбаи ва хисобий нукталар турар жой территориялари ёки корхона майдонларида жойлашган бўлса, хисобий нукталардаги товуш босимини октава даражаси L, дБ да, куйидаги формула билан аникланади:

$$L = L_p - 15\lg r + 10\lg\varphi - \frac{\beta_a r}{1000} - 10\lg\Omega, \quad (21)$$

бу ерда L_p - шовкин манбаининг товуш кувватини октава даражаси дБда;

φ - (6) ва (7) формулалардаги каби катталик;

r - шовкин манбаидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа;

Ω - товуш тарқалишини фазовий бурчаги, шовкин манбалари учун жойлашишига караб:

фазода - $\Omega = 4\pi$;

территория майдонида ёки бино ва иншоотни тусик конструкциялар сиртида бўлса -$\Omega = 2\pi$;

бино ва иншоотларни тўсик конструкциялари 2 киррали бурчак хосил килган жойда жойлашган бўлса - $\Omega = \pi$;

β_a - атмосферада товуш сўниши дБ/км 4-жадвалдан қабул килинади.

Эслатмалар: 1. Агарда хисобий нукталар шовкин манбалари ўлчамларининг бараваридан ортик масофада жойлашган бўлса r, мда, товуш босимини октава даражасини (21) формула бўйича аниклашга рухсат этилади.

2. Масофа r≤50 м бўлса, товушни атмосферада сўниши хисобга олинмайди.

3. Бир неча шовкин манбаи бўлса, $L_{сум}$ (20) формула билан аникланади.

Товуш босимининг октавали даражасини аниклашда шовкиннинг вактга боғлик характеристикаларини хисобга олиш

4.21. Битта манбадан узлукли чикаётган шовкин учун, хар бир вакт бўлаги учун товуш босимини октава даражаси L_j, дБда, узгармас бўлганида, товуш босимининг октава даражаси 4.7 - 4.15 ёки 4.21 б. формулалари билан, Lни L_j га алмаштириб топилиши лозим.

Сўнгра шовкин таъсир килаётган умумий вакт учун (минутда) товуш босимини эквивалент октава даражаси куйидаги формула билан аниклаш лозим:

$$L_{экв} = 10\lg\left(\frac{1}{T}\sum_j \tau_j 10^{0,1L_j}\right), \qquad (22)$$

бу ерда τ_j - вакт минутда, товуш

босимининг даражаси L_j дБда ўзгармас бўлиб турган вақт;

L_j - τ_j (мин) вақт ичида вақтивақти билан бўлаётган шовқинининг товуш босими октава даражасининг доимий қиймати;

Т - шовқин таъсир қилаётган умумий вақт минутда.

Эслатма. Шовқин таъсир қилаётган умумий вақт қуйидагича қабул қилинади:

ишлаб чиқариш хоналарида - иш сменасининг давом этаётган вақти;

шовқин даражаси ўрнатилган территорияларда-кунниинг (соат 7 дан 23 гача) ёки туннинг (соат 23 дан 7 гача) узунлиги.

4.22. Битта шовқин манбаидан тарқалаётган импульсив шовқинни ҳисобли нуқтадаги товуш босимини октава даражаси 4.7 - 4.15 ёки 4.20 б. формулалари билан τ_{ji} вақт давом этаётган ҳар бир, товуш босимини октава қиймати L_{ji} бўлган, импульс учун формуладаги L ни L_{ji} га алмаштириб аниқланади.

Сунгра танлаб олинган вақт бўлагидаги, товуш босимини эквивалент октава даражасини $L_{экв}$ дБ да (22) формула бўйича, ундаги τ_j ни, τ_{ji} га, L_j ни эса L_{ji} га алмаштириб аниқлаш керак.

4.23. Бир неча шовқин манбаидан вақт ва импульсив тарқалаётган шовқинлардан, ҳисобланаётган нуқтадаги товуш босимини эквивалент октава даражаси шу нормани 4.19 банди бўйича $L_{сум}$ ни $L_{экв.сумга}$ L_i эса $L_{экв.i}$га алмаштириб хисобланади.

Товуш босимининг октава даражалари ва товуш даражаларини тахминий хисоблаш усуллари

4.24. Битта шовқин-манбаи бўлган хоналардаги ҳисобий нуқталардаги товуш босими дБ (А)да қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$L_a = L_{ра} + 10\lg\left[\frac{1}{\Omega r^2} + (4/m_п v^{2/3}) \cdot 10^{0,1(\Delta п + \Delta о)}\right], \qquad (23)$$

бу ерда Ω, r - (21) формуладаги катталиклар;

$L_{ра}$ - манбанинг товуш қуввати тузатилган даражаси;

$V_п$ - хона хажми, $м^3$;

$\Delta_п$ - 5 расм бўйича аниқланадиган тузатиш, дб (А);

$\Delta_о$ - хона хажми бўйича тузатиш;

$V<200\ м^3$ бўлса $\Delta_о$ = 1дБ(А),

$200 \le V \le 1000\ м^3$ бўлса $\Delta_о$ = 0дБ(А),

$V>1000$ м3 бўлса $\Delta_о$ = + 1,5дБ(А)

$m_п$ - хона типини эътиборга оладиган коэффициент;

m = 1 - кам ишчи ишлайдиган хона учун;


m = 1,4 - металга ишлов берадиган завод учун;

m = 2 - тўкимачилик, ёғочга ишлов берадиган цехлар, амалиёт-хоналар, бошқарув постлари ва х.к. учун;

m = 2,5 - конструкторлик бюролари заллари, аудиториялар, кутиш заллари ва шунга ўхшашлар учун;

m = 5 - (бир қисм девори ва шипи товушни сингдирувчи қопламалар билан қопланган хоналар учун.

Бир неча манбаи бўлган холда ҳар бир манба алохида хисобланиб, кейин $L_{сум.ра}$ (20) формула билан аниқланади.



5-расм. $\Delta_п$ тузатмани аниқлайдиган график ($L_{рс}$ - тўла товуш қуввати).

4.25. Бир хил турдагисини ҳисобга олган ҳолда, бир неча шовқин манбалари бўлган хоналардаги ҳисобланаётган нуқталардаги овоз босимини октава даражаси (5), (8), (11), (13) формулалар билан, эквивалент манба усули қўлланганда (12) формула билан ҳисобланади (1 - иловага қаранг).

Формулаларда $L_р$-$L_{р.экв}$га, r масофа акустик марказдан, ҳисобланаётган нуқтагача бўлган масофа $r_{экв}$га алмаштирилади.

Бунда эквивалент манбанинг максимал габарит ўлчами L_{max} эквивалент манбанинг акустик марказлари орасидаги максимал ўлчамига тенг деб қабул қилинади.

Формуланинг бошқа барча катталиклари сақланиб қолади.

5.Шовқиннинг талаб этилган пасайишини аниқлаш

5.1. Агар ҳисобий нуқтага бир неча манбадан шовқин келаётган бўлса, товуш босимининг октава даражаси талаб қилинганча пасайтириш ҳар бир манба учун алоҳида аниқланиши лозим, $\Delta L_{тр}$, дБ.

Эслатма. Ушбу қоидадан, ишлаб чиқариш корхоналари ҳоналаридаги (тўқимачилик саноати цехлари, ёлғоч ишлов бериш, металлни ишлов бериш ва ҳ.к.) шовқин манбаларидан чиқаётган шовқинни талаб қилинганча пасайтириш миқдори аниқланаётганда фойдаланилмайди.

5.2. Хона ёки территорияда бир ёки бир неча шовқин манбаи бўлиб, уларнинг товуш босимини октава даражаси бир-биридан 10 дБ-дан кам фарқ қилганда, ҳисобланаётган нуқтадаги товуш босимининг октава даражасини талаб қилинганча пасайиши қуйидагича аниқланади:

а) битта шовқин манбаи учун

$$\Delta L_{тр} = L - L_{доп} \quad (24)$$

б)бир-неча шовқин манбаи учун

$$\Delta L_{тр.i} = L_i - L_{доп} + 10\lg n, \quad (25)$$

бу ерда L ва L_i - ҳисобий нуқтадаги бир ёки бир неча шовқин манбаи вужудга келтираётган товуш босимини октава даражаси, дБ. У ушбу меъёрнинг 4.4 -4.14 бандлари бўйича аниқланади;

$L_{доп}$ - ҳисобий нуқтадаги товуш босимини рухсат этилган октава даражаси. Ушбу меъёрни 3.4 ва 3.5 б. лари бўйича аниқланади;

n - ҳисобга олинаётган шовқин манбаларининг умумий сони, ушбу меъёрларнинг 5.4 ва 5.5 б. лари бўйича аниқланади.

5.3. Хона ёки территорияда бир ёки бир неча шовқин манбаи бўлиб, уларни товуш босимининг октава даражаси бир-биридан 10 дБ-дан кўп фарқ қилганида, ҳисобий нуқтадаги товуш босимининг октава даражасини талаб қилинган пасайиши қуйидагича аниқланади:

а) товуш босими даражаси юкорирок бўлган хар бир манба учун

$$\Delta L_{тр\,i} = L_i - L_{доп} + 10\lg n_1, \quad (26)$$

бу ерда n_1 - юкорирок товуш босими даражасига эга бўлган манбаларнинг умумий сони,

б) товуш босими даражаси пастрок бўлган хар бир манба учун

$$\Delta L_{тр.i} = L_i - L_{доп} + 10\lg(n-n_1) + 5, \quad (27)$$

n - ушбу меъёрларнинг 5.4 ва 5.5б.бўйича хисобга олинган шовкин манбаларининг умумий сони.

5.4. Турар жой бинолари территориялари ёки ишлаб чикариш корхоналари майдонларида жойлашган хисобий нукталардаги товуш босимини октава даражасини талаб килинганича пасайтириш аникланаётганда, шовкин манбаларининг умумий сонига, шу территориядаги барча шовкин манбаларини (агрегатлар, ускуналар ва х.к) шунингдек, хисобланаётган нуктага ориентация килинган ва хонадан (бинодан) хисобланаётган нуктага шовкин утаётган бино ва курилмаларнинг тусик конструкцияси (девор, ойна, коплама ва шу кабилар) элементлари микдори ва атмосферага шовкин тарқатаётган канал ва шахталарни чикиш туйнуклари микдори киритилади.

Ташки шовкинлардан химоя килинаётган хоналарда жойлашган хисобланаёган нукталар учун $\Delta L_{тр}$, дБда аникланаётганда, хисобга олинган шовкин манбаларини умумий сони П га, шу хонага (бинога) хизмат кўрсатаётган механик қўзғатувчанлилик вентиляция тизимлари микдори, шунингдек, хонага шовкин утаётган тусик конструкциялари элементлари микдорини қўшиш керак.

Эслатма. Шовкиндан химоя этилаётган хонада жойлашган шовкин манбаини хисобга олиш лозим эмас, аммо $\Delta L_{тр}$ ни 5 дБга ошириш зарур.

5.5. Умумий манба микдорини аниклашда, хисобланаётган нуктада хар бир октава полосада вужудга келаётган овоз босимини даражаси L_i, дБда, рухсат этилганидан $L_{доп}$ дан ΔL_0 катталикка, кичик бўлса, у манба хисобга олинмайди

$$L_{доп} - L_i \geq \Delta L_0 \quad (28)$$

Бу холда ΔL_0 катталикни ушбу формула билан аникланади

$$\Delta L_0 = 10\lg m_в + 5 \quad (29)$$

бу ерда $m_в$ - овоз босими даражаси $L_{доп}$ дан камида 10 дБ кам шовкин манбалари сони.

5.6. Хисобланаётган нуктада товуш босими даражасини талаб килинганигача пасайтирилишини (26) ва (27) формула билан хисоблаш учун, турли манбалардан тарқалаётган товуш босимини октава даражаси L_i, дБ ни (21) формула билан аниклашда, турли манбалар учун $r_{max} \leq 1{,}5_{min}$ бўлган хол учун шовкин манбаларигача бўлган масофани бир хил масофани ўрта арифметик кийматига тенг деб олиш мумкин $r_{ср}$ ($r_i = r_{ср}$).

Бу холда шовкин тарқатиш кувати бир хил бўлган шовкин манбалари учун, $r_i = r_{ср}$ деб қабул килиб, шовкин манбаларидан бири учун товуш босими даражасининг пасайишини хисоблаш кифоя килади.

Бунда барча шовкин манбалари

"АҚАТМ" АЛМ КУТУБХОНА

учун товуш босими даражасини талаб қилинганича пасайиши барча манбалар учун бир хил бўлади.

5.7. Бир неча шовқин манбалари бор хоналарда барча манбалар бир пайтда ишлаганда, товуш босимининг октава даражасини талаб қилинганича умумий пасайтирилишини қуйидаги формула билан аниқлаш лозим, $L_{тр.общ}$ дБ:

$$\Delta L_{тр.общ} = L_{общ} - L_{доп}, \quad (30)$$

бу ерда $L_{общ}$ - ҳисобий нуқтадаги барча шовқин манбаларидан келаётган шовқиннинг товуш босимини октава даражаси, шу меъёрларни 4 бўлимига мувофиқ L ни $L_{общ}$ алмаштириб аниқланади, дБ; $L_{доп}$ - ҳисобий нуқтадаги товуш босимини рухсат этилган октава даражаси дБ, шу меъёрларни 3.4 ва 3.5 б. лари бўйича аниқланади.

6. Бинолар тўсиқ конструкцияларини товуш изоляцияси


Тўсиқ конструкцияларининг товуш изоляциясининг меъёрлари

6.1. Турар жой ва жамоат бинолари, саноат корхоналари ёрдамчи бинолари ва хоналарини тўсиқ конструкцияларининг товуш изоляциясини меъёрловчи параметрлари бўлиб, тўсиқ конструкцияларини ҳаво шовқинидан изоляциялаш индекси $I_в$, дБ ва ёпма тагидаги зарба шовқинининг келтирилган даражаси индекси $I_у$, хизмат қилади.

6.2. Ҳаво шовқини изоляциясини аниқланган (ҳисобланган ёки ўлчанган) частота характеристикасига кўра, тўсиқ конструкцияларни ҳаво шовқинидан изоляциялаш индекси $I_в$, дБ, қуйидаги формула билан аниқланиши лозим:

$$I_в = 50 + \Delta_в, \quad (31)$$

бу ерда $\Delta_в$ - тузатма, тўсиқ конструкцияларни ҳаво шовқини изоляциясининг частота характеристикаси, 2-сон иловада баён қилинган усул билан аниқланган ҳаво шовқинидан изоляциялашнинг меъёрий частота характеристикаси билан таққослаш йўли билан аниқланган тузатма (6-расм).



1/3 октавалар полосаларининг ўртача частоталари, Гц


6-расм. Тўсиқ конструкцияларни ҳаво шовқини изоляциясининг меъёрий частота характеристикаси.

6.3. Зарба шовқинининг келтирилган даражасини аниқланган (ҳисобланган ёки ўлчанган) частота характеристикасига кўра, ёпма тагидаги зарба шовқинини келтирилган даражаси индекси $I_у$, дБда қуйидаги формула билан аниқланиши лозим:

$$I_у = 70 - \Delta_у, \quad (32)$$

бу ерда $\Delta_у$ -тузатма, ёпма тагидаги зарба шовқинининг келтирилган даражасини частота ха-

рактеристикаси билан, 2-сон иловада баён қилинган усул билан аниқланган зарба шовқинини келтирилган даражасини меъёрий частота характеристикасини (7-расм) таққослаш йўли билан аниқланган тузатма.



7-расм. Ёпма остидаги зарба шовқинини келтирилган даражасини меъёрий частота характеристикаси.

6.4. Турар жой ва жамоат бинолари, саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари ва хоналаридаги ёпма тагидаги зарба шовқинини келтирилган даражаси L_n, дБда ва тўсиқ конструкцияларининг ҳаво шовқинидан изоляциясининг I_y, дБ да меъёрий индексларини 5-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

6.5 5-жадвалда қайд этилган хоналарга характерли бўлмаган, ишлаб чиқариш бинолари тўсиқ конструкциялари, шовқин манбаи бўлган хоналарда шовқиндан ҳимоя этилаётган хоналарнинг тўсиқ конструкциялари ва ҳар хил турдаги бинолар учун тўсиқ конструкцияларни товуш изоляциясининг меъёрий параметрлари бўлиб, ўрта геометрик частоталари 31.5, 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц бўлган октава полосаларидаги ҳаво шовқинининг Rтр, дБ даги катталигидир.

Тўсиқ конструкцияларнинг талаб қилинаётган товуш изоляциясини ҳисоблаш

6.6. Тўсиқ конструкцияларни октава полоса частоталаридаги ҳаво шовқинидан талаб қилинган изоляцияни қуйидагича аниқлаш лозим:

а) шовқин манбаи бўлган хонадан қўшни изоляциялаштирилаётган хонага шовқин ўтганда қуйидаги формула билан аниқланади

$$R_{тр i} = L_p - L_{доп} - 10\lg(B_ш/B_0) - $$

$$-10\lg(B_н/B_0) + 10\lg(S_i/S_0) + 10\lg m + $$

$$+6, \qquad (33)$$

бу ерда $R_{тр i}$ - i -тўсиқ конструкцияни берилган октава полосадаги талаб қилинаётган товуш изоляцияси.

L_p-барча (n) шовқин манбаларининг товуш қувватини суммар октава даражаси ва у қуйидаги формула билан аниқланади, дБ

$$Lp = 10\lg\left(\sum_{k=1}^{n} 10^{0,1Lpk}\right); \qquad (34)$$

$L_{доп}$- ҳисобий нуқтадаги товуш босимини меъёр бўйича рухсат этилган октава даражаси

$B_ш$-шовқинли хона доимийси, 4.6 б. бўйича аниқланади, м^2;

$B_н$-изоляцияланаётган хона доимийси, м^2;

S_i-изоляцияланаётган хонани бир хил турдаги;

i-тўсиқ конструкцияларининг умумий майдони, м^2, (масалан:

5-жадвал

Тусик конструкциялар номлари ва жойлашиши	Ҳаво шовкинини изоляциялаш индекси $I_в$, дБ	Зарба шовкинини келтирилган даражасининг индекси I_v, дБ
Тураржой бинолари.		
1.Квартиралар хоналари орасидаги ёпма	50	67
2.Квартира хоналари ва фойдаланилмайдиган чордок хоналари орасидаги ёпма	47	-
3.Квартира хоналари ва подваллар, холлар, фойдаланиладиган чордок хоналари орасидаги ёпма	50	67
4.Квартира хоналари ва пастда жойлашган магазинлар (дуконлар) орасидаги ёпма	55	67
5.Квартираларни хоналари ва унинг тагида жойлашган ресторанлар, спорт заллари, кафе ва шу каби хоналар орасидаги ёпмалар	60	67
6.Икки каватли квартирадаги хоналар орасидаги ёпмалар	41	(50)[1] 75
7.Умумий ётокхонани маданий-маиший хоналарни бир-биридан ва умумий фойдаланиш хоналаридан (холлар, вестибюллар, коридорлар) ажратиб турувчи ёпмалар	45	75
8.Квартиралар, квартира хоналари ва зина катаклари, холлар, коридорлар, вестибюллар, орасидаги деворлар ва тусиклар	50	-
9.Квартира хоналари ва дуконлар (магазинлар) орасидаги деворлар	55	-
10.Квартира хоналари ва ресторанлар, спорт заллари, кафе ва шу каби бинолар орасидаги деворлар	60	-
11.Квартиралар орасидаги, ошхона ва квартира хоналари орасидаги эшиксиз тусиклар	41	-
12.Битта квартирадаги хоналар ва санузел орасидаги тусиклар	45	-
13.Зина катаклари, холлар, вестибюллар, коридорларга чикадиган, квартирага кириш учун эшиклар	30	-
14.Зина катаклари ва маршлар	-	(67)[1]
15.Умумий ётокхонанинг маданий-маиший хоналарини бир-биридан ва умумий фойдаланиш хоналаридан (холлар, вестибюллар, зина катаклари) ажратиб турувчи деворлар ва тусиклар	45	-
Мехмонхоналар.		
16.Номерлар орасидаги тусиклар:		
биринчи категория	48	70
иккинчи категория	45	72
17.Мехмонхона номерларини умумий фойдаланиш хоналари (вестибюллар, холлар, буфетлар) дан ажратиб турувчи ёпмалар:		

5-жадвалнинг давоми

Тўсиқ конструкциялар номлари ва жойлашиши	Ҳаво шовқинини изоляциялаш индекси $I_в$, дБ	Зарба шовқинини келтирилган даражасининг индекси I_y, дБ
биринчи категорияли номерлар учун	50	67[1]
иккинчи категорияли номерлар учун	47	70[1]
18.Номерларни ресторанлар, кафе, ошхона ва овқатхоналардан ажратиб турувчи ёпмалар:		
биринчи категорияли номерлар учун	60	50[1]
иккинчи категорияли номерлар учун	55	55[1]
19.Номерлар орасидаги девор ва тўсиклар:		
биринчи категория	48	-
иккинчи категория	45	-
20.Номерларни умумий фойдаланиш хоналаридан (зина катаклари, вестибюллар, холлар, буфетлар) ажратиб турувчи девор ва тўсиклар:		
биринчи категорияли номерлар учун	50	-
иккинчи категорияли номерлар учун	47	-
21.Номерларни ресторанлар, кафе,овқатхона,ошхоналардан ажратиб турувчи девор ва тўсиклар:		
биринчи категорияли номерлар учун	60	-
иккинчи категорияли номерлар учун	55	-
Бошқарув ва жамоат ташкилотлари бинолари.		
22.Ишчи хоналар, кабинетлар, секретариатлар орасидаги ишчи хоналарни, кабинетларни,секретариатларни умумий фойдаланиш хоналаридан (вестибюллар, холлар) ажратиб турувчи ёпмалар	45	75
23.Ишчи хоналар, кабинетларни шовқиндан химоя килинмаган ишчи хоналардан (машбюро, телетайп заллари ва х.к.) ажратиб турувчи ёпмалар	49	70
24.Ишчи хоналар орасидаги девор ва тўсиклар	40	-
25.Ишчи хоналар, секретариатларни умумий фойдаланиш хоналари (зина катаклари, вестибюллар, холлар) ва шовқиндан химоя килинмаган ишчи хоналардан ажратиб турувчи девор ва тўсиклар	45	-
26.Кабинетларни умумий фойдаланиш хоналари ва шовқиндан химоя килинмаган ишчи хоналардан ажратиб турувчи девор ва тўсиклар	49	-
Касалхона ва санаторийлар		
27.Палаталар, шифокор кабинетлари орасидаги ёпмалар	45	70
28.Операция хоналари орасидаги ва операция хоналарини палата ва кабинетлардан ажратиб турувчи ёпмалар	60	70
29.Палаталар, шифокор кабинетларини умумий фойдаланиш хоналаридан (вестибюллар, холлар) ажратиб турувчи ёпмалар	50	70
30.Палаталар, кабинетларни ошхона ва овқатхоналардан ажратувчи ёпмалар	60	50[1]

5-жадвалнинг давоми

Тўсиқ конструкциялар номлари ва жойлашиши	Хаво шовқинини изоляциялаш индекси $I_в$, дБ	Зарба шовқинини келтириган даражасининг индекси $I_у$, дБ
31.Палаталар ва шифокор кабинетлари орасида девор ва тўсиклар	45	-
32.Операция хоналари орасидаги ва операция хоналарини бошқа хоналардан ажратувчи девор ва тўсиклар. Палата ва кабинетларни ошхона ва овқатхоналардан ажратувчи девор ва тўсиклар	60	-
33.Палаталар, кабинетларни умумий фойдаланиш хоналаридан (зина катаклари, вестибюллар, холлар) ажратувчи девор ва тўсиклар	50	-
Мактаблар ва бошқа ўқув муассасалари.		
34.Синф хоналари, аудиториялар, ўқув кабинетлари орасидаги ва синф хоналарини, аудиторияларни, ўқув хоналарини умумий фойдаланиш хоналаридан ажратиб турувчи (коридорлар, вестибюллар, холлар) ёпмалар	45	70
35.Ўрта ўқув муассасаларини мусика синфлари орасидаги ёпмалар	55	65
36.Олий мусика ўқув юртларининг мусика синфлари орасидаги ёпмалари	60	60
37.Синфхоналари, ўқув кабинетлари ва аудиториялар орасидаги ва синфхоналарини укув кабинетларини, аудиторияларни умумий фойдаланиш хоналаридан (коридорлар вестибюллар, холлар) ажратиб турувчи девор ва тўсиклар	45	-
38.Ўрта мусика билим юртлари мусика синфлари орасидаги ва уларни умумий фойдаланиш хоналаридан (зина катаклари, вестибюллар, холлар, рекреациялар) ажратувчи девор ва тусиклар	55	-
39.Олий мусика ўқув юртлари мусика синфлари орасидаги девор ва тўсиклар	60	-
Болалар боғчалари-яслилари.		
40.Гуруҳ хоналари, ётоқхоналари орасидаги ва болаларнинг бошқа хоналари орасидаги ёпмалар	45	70
41.Гуруҳ хоналари, ётоқхоналарни ошхонадан ажратувчи ёпмалар	49	70
42.Гуруҳ хоналари, ётоқхоналари орасидаги ва болаларнинг бошқа хоналари орасидаги девор ва тусиклар	45	-
43.Гуруҳ хоналари, ётоқхоналарни ошхоналардан ажратувчи девор ва тўсиклар	49	-
Саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари ва хоналари.		
44.Дам олиш хоналари, ўқув машғулотлари хоналари, медпунктлари, бошқарманинг ишчи хоналари ва конструкторлик бюроси, кабинетлар, жамоат ташкилотлари орасидаги ва уларни		

5 жадвалнинг давоми

Тўсиқ конструкциялар номлари ва жойлашиши	Хаво шовқинини изоляциялаш индекси $I_в$, дБ	Зарба шовқинини келтирилган даражасининг индекси I_y, дБ
умумий хоналаридан (вестибюллар, ечиниш хоналари) ажратувчи ёпмалар	45	75
45.Амалиётхоналар, кизил бурчак, мажлис заллари, ошхоналар орасидаги ва уларни умумий фойдаланиш хоналаридан ажратувчи ёпмалар	49	70
46.Бошқармани ишчи хоналари, конструкторлик бюролари, кабинетлар, жамоат ташкилотлари хоналари орасидаги девор ва тўсиклар	40	-
47.Дам олиш хоналари, медпункт, ўқув машғулоти хоналари орасидаги, бу хоналарни бошқарманинг ишчи хоналари, конструкторлик бюролари, кабинетлар, жамоат ташкилотлари хоналаридан ажратувчи ва барча шу хоналарни умумий фойдаланиш хоналаридан (вестибюллар, ечиниш хоналари, зина катаклари) ажратувчи девор ва тўсиклар	45	-
48.Амалиётхоналар, кизил бурчак, мажлис заллари, ошхоналар орасидаги ва шу хоналарни умумий фойдаланиш хоналаридан ажратувчи девор ва тўсиклар	49	-

1. Шовкин химоя қилинмаган хонадаги полга зарба таъсиридаги шовкидан химоналаётган хонага зарба шовкининг узатилишига талаб кўрсатилишига керак.

Эслатма. Умумий ётоқхонадаги яшаш хоналари учун, тўсиқ конструкцияларнинг хаво шовқинидан изоляциялаш ва ёпма тарздаги зарба шовқининг келтирилган даражаси индекслари, турар-жой биноларининг тўсиқ конструкцияларидаги каби қабул қилинади

деразаларнинг умумий майдони, яланг девор майдони, м^2 ва шу кабилар);

м-изоляцияланаётган хонага шовкин утаётган ҳар хил турдаги тўсувчи конструкциялар сони;

$B_0 = 1м^2$; $S_0 = 1м^2$.

б) хонадан, ёндош бўлган территорияларга (атмосферага) шовкин утаётганда, қуйидаги формула билан аникланади

$$R_{ri} = L_p - L_{доп} - 10lg(B_ш/B_0) + 10lg(S_i/S_0) - 15lg(r_i/r_0) + 10lgm - 5, \quad (35)$$

бу ерда L_p, $L_{доп}$, $B_ш$, S_0-(33) формуладаги каби катталиклар r_i-(i-нчи) тўсиқ конструкцияси марказидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м;

m-шовкин ўтаётган тўсиқ конструкциялари сони;

S_i - тўсиб турувчи (i-чи) тўсиқ конструкцияси майдони, м^2;

$r_0 = 1м$

в) территориядан (очиқ майдондан) изоляцияланаётган хонага шовкин ўтганда қуйидаги формула билан аникланади

$$R_{тр i} = L_i - L_{доп} - 10\lg(B_в/B_0) + 10\lg(S_i/S_o) + 10\lg m + 6, \quad (36)$$

бу ерда $L_{доп}$, $B_в$, S_i, B_0, S_0-(33) формуладаги каби катталиклар;

L_i-тўсиқ конструкциядан (i-чи) 2м нарида жойлашган нуктадаги, (34) формуладаги қувват даражаси товуш босими даражасига алмаштирилган холда шу формула бўйича аникланган n-та шовкин манбаидан келаётган, шовкин босимининг умумий октава даражаси, дБ;

m-изоляцияланаётган хонага шовкин ўтаётган тўсиқ конструкциялар сони.

Хисобий нуктадаги к-чи шовкин манбанингакустик марказидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м:

$$L_{ki} = L_{pk} - 15\lg(r_{ki}/r_0) - \beta_\alpha r_{ki}/1000 - 8, \quad (37)$$

бу ерда L_{pk} - к-чи шовкин манбаининг товуш қувватини октава даражаси, дБ;

r_{ki} - к-чи шовкин манбаининг акустик марказидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м;

β_α- хавонинг товушни сингдириш коэффициент дБ/км (4-жадвалга қаралсин)

$r_0 = 1$м.

6.7. Товуш даражаси бўйича хаво шовкинини талаб қилинган изоляциясининг хисоблашда қуйидагилар аникланади, дБ (А):

а) очик майдондан изаляцияланаётган хонага шовкин ўтганда қуйидаги формула бўйича аникланади

$$R_{Атр i} = L_{Ai} - L_{Адоп} - 10\lg(m_ш V_в^{2/3} / V_0^{2/3}) + 10\lg(S_i/S_0) + 10\lg m + \Delta + \Delta_{0ш} + 6, \quad (38)$$

бу ерда $R_{тр i}$ - i-чи тўсиб турувчи конструкциянинг талаб этилаётган изоляцияси, дБ(А);

L_{Ai}-тўсиқ конструкция марказидан 2м нарида очик майдонда жойлашган хисобланаётган нуктадаги, (34) формула бўйича;

$L_{Aкт}$-киймаги бўйича n-та манбаидан аникланган, товушнинг умумий даражаси дБ(А);

L_{Aki}-хисоби нуктараги к-шов-кин манбаидан келаётган товуш даражаси, дБ(А) қуйидаги формула бўйича аникланади

$$L_{Aki} = L_{pAk} - 15\lg(r_{ki}/r_0) - 8, \quad (39)$$

L_{pAk}-к-чи шовкин манбаининг товуш куввати тузатилган даражаси, дБ(А); $L_{Адоп}$-изоляцияланган хонадаги рухсат этилган товуш даражаси, дБ(А) (2-бўлимга қара);

$m_в$, $\Delta_{он}$- изоляцияланаётган хона учун (23) формуладаги $m_в$ ва $\Delta_{0н}$ катталиклар.

$V_в$ - изоляцияланаётган хона хажми, м^3;

$V_0 = 1$м^3;


S_i, S_0, m-(33) формуладаги катталиклар;

Δi-тузатиш, $L_{рс}$-$L_{рa}$ (шовкин манбаларининг тула товуш куввати ва тузатилган товуш куввати А фарки) бўйича 8-расм (а, б, в) оркали i-чи тўсиқ конструкция учун кабул килинган тузатиш, дБ(А);


б) шовкин манбаи бўлган бинодан очик майдонга шовкин утганида қуйидаги формула бўйича аникланади

$$R_{Атр i} = L_{pA} - L_{Адоп} - 10\lg(m_ш V_ш^{2/3} / V_0^{2/3}) + 10\lg(S_i/S_0) - 15\lg(r_i/r_0) + \Delta_{0ш} + \Delta_i + 10\lg m - 5, \quad (40)$$


бу ерда L_{pA} - хонадаги шовкин манбаининг товуш куввати суммар тузатилган даражаси дБ(А);



8а-расм.Бир катламли тўсувчи конструкцияларга талаб қилинаётган товуш изоляцияси кийматига ,узатиш Δ_1.
1-бетон, темир-бетон, ғишт ва шунга ўхшаш материаллар учун; 2-пўлат учун; а-$L_{оА}$ = 80+85дБ(А), б-$L_{оА}$≤65дБ(А) бўлганда



8б-расм. Бир қаватли яланг дераза учун талаб қилинаётган товуш изоляцияси кийматига тузатиш Δ_1.
1-силикат ойна учун; 2-органик ойна учун; а-$L_{оА}$ = 80+85 дБ(А), б-$L_{оА}$≤65дБ(А) бўлганда



8в-расм. Талаб қилинаётган товуш изоляцияси кийматига тузатиш
1-эшикларга; а-копламани ва тамбурли 40мм қалинликдаги полотноси учун; б-эшиклар; г-2 қаватли яланг ойналар билан; а-$L_{оА}$ = 80+85 дБ(А), б-$L_{оА}$≤65дБ(А) бўлганда

$m_н$-коэффициент, шовкинли хона учун худди (38) формуладаги mн коэффициент каби олинади;

$\Delta_{ош}$-тузатиш, хона хажмига боғлик равишда (38) формуладаги Δон каби кабул килинади;

B_0, i, S_i, 0, m-(33) ва (38)

формуладаги катталиклар.

в) шовкин манбаи бор хонадан, изоляцияланаётган кўшни хонага шовкин ўтаётганда куйидаги формула билан аникланади

$$R_{Атр_i} = L_{рА} - L_{Адоп} - 10\lg(m_ш^{2/3} V_ш^{2/3} / V_0^{2/3}) - 10\lg(m_н^{2/3} V_н^{2/3} / V_0^{2/3}) + 10\lg(S_i/S_0) + 10\lg m + \Delta_{Ош} + \Delta_{Он} + \Delta_i + 6, \quad (41)$$

бу ерда барча белгилар (33), (38) ва(40) формулалардаги белгиланишлар кабидир.


Тўсик конструкциялари товуш изоляциясининг хисоби

6.8. Товуш изоляциясининг хисоби янги тўсик конструкцияларни лойихалаштирилаётганда бажарилиши керак.

Янги андозалаш лойихаларида берилган биноларнинг тўсик коснтрукцияларининг товуш изоляциялари хакидаги якуний бахо, экспериментал бинолардаги тўсик конструкцияларида ўтказилган натур тажриба асосида берилиши лозим.


6.9. Бетон, темир-бетон, кишт, керамик блоклар ва шунга ўхшаш материаллардан, 100 дан, 1000 кг\м^2 юза зичлигига* эга бўлган бир каватли ясси тўсикли конструкциялар учун, хаво шовкини изоляциясини частота характеристикаси, 9-расмдаги АВСД синик чизикка ўхшаш синик чизик каби тасвирлаб аникланади. Частота характеристикаси нуктаси координатлари В ($f_в$ ва $R_в$), тўсик конструкция калинлигига (h) боғлик равишда (10а-расм) ва Rв конструкциянинг сатх зичлиги кг\м^2 (10б-расм) мувофик аникланади.

Эслатма. Хаво шовкин изоляциясининг частота характеристикаси куйидагича курилади: В нуктадан чап томонга горизонтал кесма АВ ўтказилади, В нуктадан ўнгга караб эса октава бўйича 7,5 дБ га киялатиб ординатаси R_c=60 дБ тенг бўлган С нуктагача ВС кесма ўтказилади С нуктасидан ўнгга горизонталь кесма СД ўтказилади.



9-расм. Бир катламли ясси тўсикнинг хаво шовкини изоляциясининг частота характеристикаси

*Юза зичлиги ρ=Sh·Vgеб, тўсик конструкцияларининг 1м^2 нинг массасига айтилади, бунда S=1м^2.



10-расм. В-нуқта координатларининг аниқлаш учун график

Ҳажмий оғирлик υ кг/м^3 да

1 - υ ≥ 1800 кг/м^3

2 - υ = 1600 кг/м^3

3 - υ = 1400 кг/м^3

4 - υ ≤ 1200 кг/м^3

6.10. Тўсиқ конструкция ҳаво шовқини изоляциясининг индексини $I_в$ дБ ушбу меъёрни 6.2 б. га биноан ҳисобланган ҳаво шовқини изоляциясини частота характеристикасига мувофиқ аниқлаш лозим.

Тахминий ҳисобларда ушбу меъёрни 6.9 б. да кўрсатилган бир қатламли тўсиқ конструкцияларни ҳаво шовқини изоляциясининг индекси қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$I_в = 23\lg m_э - 10 \text{ дБ} \quad \text{при } m \geq 200 \text{ кг/м2} \qquad (42)$$

$$I_в = 13\lg m_э - 13 \text{ дБ при } m \leq 200 \text{ кг/м2} \qquad (43)$$

бу ерда $m_э = Km$ - эквивалент сатҳ зичлиги кг/м^2;

m - сатҳ зичлиги кг/м^2 (ковурғали плиталар учун, ковурғалар ҳисобга олинмайди);

K - коэффициент:

зичлиги 1800 кг/м^3 бўлган яхлит тўсувчи конструкциялар учун K = 1;

зичлиги 1200-1300 кг/м^3 бўлган гипсли бетондан тайерланган тўсувчи конструкциялар учун K = 1,25;

зичлиги 1800 кг/м$_3$ дан ортик бўлган думалок кавакли (бўшлик) бетон ва темирбетон тўсувчи конструкциялар учун коэффициент K қуйидаги формула билан аникланади:

$$K = 1.86\sqrt[4]{\frac{J}{bh_{пр}^3}}, \qquad (44)$$

бу ерда J - кесимнинг инерция моменти м^4;

b - курилаётган кесим кенглиги м;

$h_{пр}$ - кесимнинг келтирилган калинлиги м;

боғловчи модда сифатида цемент ишлатилган ва ғовак тўлдирувчиси бўлган бетондан ясалган тусик конструкциялар учун K ни қуйидаги формула билан аниклаш лозим:

$$K = 7.08\sqrt{\frac{E}{\rho^3}}, \qquad (45)$$

бу ерда E - материалнинг эгилувчанлик модули Н/м^2;

P - материал зичлиги кг/м^3;

Сирт зичлиги 100-1000 кг/м^2 бўлган бетон, темирбетон, ғишт, шлак-бетон ва шу каби материаллардан тайёрланган бир қатламли тўсиқ конструкциялар ҳаво шовқини изоляциясини қуйидаги формула билан аниқланади дБ(А):

$$R_A = 22\lg (m_п/m_0) - 12 , \quad (46)$$

бу ерда $m_п$ - сирт, зичлиги кг/м^2;

m_0 - 1 кг/м^2.

6.11. Металл, шиша ва шунга ухшаш материаллардан тайёрланган бир катламли юка ясси тўсик конструкциялар хаво шовкини изоляциясининг частота характеристикаси, 11-расмда кўрсатилган синик чизик ABCD каби, синик чизик шаклида кўрсатилиб, график усул билан аникланиши лозим.



11-расм. Металл ёки шишадан тайёрланган бир катламли ясси тусикларнинг хаво шовкини изоляциясини частота характеристикаси.

В ва С нукталарнинг координатларини 6-жадвал буйича аникланади ВА кесманинг графикдаги киялигини органик ва силикат ойналардан тайёрланган ялпи бир катламли тўсик конструкциялар учун хар бир октавага 5 дБга, бошка материаллардан тайёрланган конструкциялар учун эса хар бир октавага 4 дБга тенг деб кабул килинади.

Юпка бир катламли тусик конструкциялар учун хаво шовкини изоляцияси куйидаги формулалар билан аникланади:

калинлиги 1-10 мм бўлган пулат тўсиклар учун:

$$R_A = 22 + 9\lg (h/h_0) , \quad (46)$$

калинлиги 2-10 мм бўлган силикат шишадан ясалган ялпи деразалар учун:

$$R_A = 18 + 8.5\lg (h/h_0) , \quad (47)$$

калинлиги 5-30 мм бўлган органик шишалардан ялпи деразалар учун:

$$R_A = 12 + 12\lg (h/h_0) , \quad (48)$$

бу ерда h - калинлиги ($\delta = 1$ мм ковурғалар хисобга олинмайди):

$$h_0 = 1 \text{ мм}$$

6-жадвал

Материал	$f_в$	f_c	$R_в$	R_c
Пулат	$\frac{6000}{h}$	$\frac{6000}{h}$	39	31
Алюминий магнийли котишма	$\frac{6000}{h}$	$\frac{6000}{h}$	32	22
Силикат шиша	$\frac{8000}{h}$	$\frac{8000}{h}$	35	29
Органик шиша	$\frac{17000}{h}$	$\frac{17000}{h}$	37	30
Асбестцемент тахта	$\frac{11000}{h}$	$\frac{11000}{h}$	36	30
Курук шувок	$\frac{19000}{h}$	$\frac{19000}{h}$	36	30

Эслатма. h - тусикнинг калинлиги (ковурғаларни хисобга олмаган холда), мм.

6.12. Цилиндрсимон пулат кобиғи билан, кобик ичида шовкин таркалгандаги, хаво шовкини изоляцияланишининг дБ даги частотали характеристикасини 12-расмда кўрсатилган ABCD синик чизикга ухшаш сикик чизик каби график усулда аникланш лозим.

В ва С нукталарнинг координа-

таларини қуйидаги формулалар бўйича аниқлаш лозим:


$$f_в = \frac{1{,}6 \cdot 10^6}{D}, \qquad (49)$$

$$Rв = 74 - 20\lg\frac{D}{h}, \qquad (50)$$

$$f_c = \frac{12 \cdot 10^4}{h}, \qquad (51)$$

$$R_c = 31, \qquad (52)$$

бу ерда D - кобиқ диаметри, мм;
h - кобиқ қалинлиги, мм.



12-расм. Цилиндрсимон пўлат кобиғи билан ҳаво шовқинидан изоляцияланишининг частотали характеристикаси.

6.13. Турар жой ва жамоат биноларида икки томонлама узоқлашгандаги плитали (қуруқ сувоқли, ёғоч толали ёки ёғоч киригдили плиталар ва ш.к.) девор билан ҳаво шовқинидан изоляциялашининг характеристикасини, ушбу меъёрларнинг 6.9 б. га мувофиқ девор билан ҳаво шовқини ΔR_1, изоляцияланишининг частотали характеристикасини аниқланган қийматига, 13-расм бўйича топилган m, катталигига:


$$m = \frac{m_1}{m_4}, \qquad (53)$$

формула орқали топилади ва β катталигига;

$$\beta = m\sqrt{\left(\frac{c_1 h_1}{c_4 h_4}\right)^3}, \qquad (54)$$

формула орқали ҳисобланади, қийматларига боғлиқ бўлган тузатишини қушиш йўли билан аниқлаш лозим. Келтирилган формулаларда ёпма ташувчи кисмининг юзаки зичлиги,кг/м^2 да;
m_4 -қундаланг девор ёки тўсикнинг юзаки зичлиги, кг/м^2 да;
C_1;C_4-7-жадв.бўйича қабул қилинадиган, мос равишда ёпма ва қўндаланг девор ёки тўсикдаги бўйлама тўлқинларнинг тезлиги, м\сек да;
h_1;h -мос равишда ёпма ва қўндаланг девор ёки тўсикнинг ташувчи кисмининг қалинлиги, м.

Кўрсатилган плита деворнинг таги томонидан ўрнатилса, у холдани қийматини 13-расмдаги аниқланган қийматидан 2\3 га тенг кисми олиниши лозим.



13-расм.Девордан икки томонлама узоқлашгандаги плитали (қуруқ сувоқли, ёғоч толали плиталар ва ш.к.) девор билан ҳаво шовқини изоляцияланишининг ортиб боришини аниқлаш учун график.

—·- ёпма товушни изоляцияловчи катламли пол билан

---- ёпма товушни изоляцияловчи катламсиз пол билан

7-жадвал

Материал	Бўйлама тўлқинининг тезлиги, м\сек да
Оғир бетон	3700
Енгил ва енгиллаштирилган бетон	3500
Ғиштерилмаси	2300

6.14. Ойналари бир хил қалинликка эга бўлган икки катламли ялпи ойналарнинг ҳаво шовқинидан изоляциялашининг частотали характеристикасини, ушбу меъёрларининг 6.11. б.га кўра бир каватли ойна учун курилган ҳаво шовқинидан изоляциялашининг частотали характеристикаси кийматларига $5+\Delta R_2$ катталигини қўшиш йўли билан аниклаш лозим.

ΔR_2 катталигини 14-расм даги график бўйича ойналар орасидаги ҳаво оралиғининг ўлчамлари ва Гц да резонанс частотаси f_p бўйича аниклаш лозим. Бунда

$$f_p = 60\sqrt{\frac{m_1+m_2}{dm_1m_2}}, \qquad (55)$$

бу ерда m_1; m_2 - ойналарнинг юзаки зичликлари,кг\м^{2}да;

d -ҳаво оралиғининг ўлчами,м да.

Ойналари хар хил қалинликка эга булган калинликлар нисбати (0,4 - 0,8) икки катламли ялпи ойналарнинг ҳаво шовқинидан изоляциялашининг частотали характеристикасини, 15-расмда кўрсатилгандек ўхшаш курилган ҳаво шовқинидан изоляциялашининг частотали характеристикаси кийматига $\Delta R_2+\Delta R_3$ катталикни қўшиш йўли билан аниклаш лозим.


В ва С нукталарнинг координаталарини қуйидаги формулар бўйича аниклаш лозим:

$$f_B = \frac{6000}{h_1}, \qquad (56)$$

$$f_c = \frac{12000}{h_2}, \qquad (57)$$

бунда $R_B = R_C = 35$ дБ


бу ерда h_1 ва h_2 - ойналар калинлиги ($h_1>h_2$), мм да ΔR_2 катталигини 14-расм даги график бўйича аниклаш лозим.



14-расм. Икки каватли ялпи ойна билан ҳаво шовқини изоляциялашишининг ҳаво оралиғининг калинлигига боғлиқ бўлган ортиб боришини аниклаш учун график.

$\frac{h_2}{h_1}$ = 0.4-0.5бўлганда ΔR-катталик 3 дБ ни

ва $\frac{h_2}{h_1}$ = 0.6-0.8 бўлганда ΔR катталик 4 дБ ни ташкил этади



15-расм.Ойналар қалинлиги турлича бўлган икки ёклама товуш ўтмайдиган ойна билан қопланган хаво шовкини изоляциясининг частотали тавсифномаси.

6.15.Товуш изоляцияси қатламли бўлган қаватлараро ораёпма билан хаво шовкинини изоляциялаш I_B индексини ушбу меъёрларнинг 6.8 ва 6.9 бб.ларга мувофиқ (I_B ўрнига I_{B0} ни қўйиб) аниқланган I_{B0} ,дБ. ораёпма плита билан хаво шовкини изоляциялаш индекси катталигига боғлиқ ҳолда ва қуйидаги формула бўйича аниқланадиган $f_{рп}$, Гц, резонанс частотасини 8-жадвалдан аниқлаш лозим.

$$f_{рп} = 0,5\sqrt{\frac{E_д(m1+m2)}{h3m1m2}}, \qquad (58)$$

бунда: $E_д$- 9-жадвал бўйича қабул қилинадиган, товуш изоляцияси қатлам материали эластиклигининг динамик модули, кг\м^2;

m_1 - ораёпма плитасининг сирт зичлиги, кг\м^2;

m_2 - товуш изоляциясидан(товуш изоляцияси қатламисиз) юқори бўлган пол конструкциясининг сирт зичлиги, кг\м^2;

h_3-товуш изоляцияси қатламининг қисилган ҳолдаги қалинлиги, м, қўйидаги формула билан аниқланади:

$$h_3 = h_o(1 - \varepsilon_д) \qquad (59)$$

бунда: h_o- товуш изоляцияси қатламининг қисилмаган ҳолдаги қалинлиги, м;

$\varepsilon_д$ - 9-жадв.бўйича қабул қилинадиган, товуш изоляциясининг куч остидаги қатлами материалининг нисбий қисилиши.

6.16.Товуш изоляцияси қатламидаги пол билан қаватлараро ораёпма тагидаги зарбали шовқинининг келтирилган даражасининг индексини I_y , дБ, 11-жадвал бўйича аниқланган, ораёпма плитанинг зарбали шовқинининг келтирилган даражасининг индекси катталигига боғлиқ ҳолда, ҳамда қуйидаги формула билан аниқланадиган f_0, Гц, товуш изоляцияси қатламида ётадиган полнинг тебраниш частотасини 10-жадвал бўйича аниқлаш лозим.

$$f_0 = 0,5\sqrt{\frac{E_д}{h_3 m_2}} \qquad (60)$$

бунда: $E_д$ - 9-жадвал бўйича қабул қилинадиган, товуш изоляцияси қатлами эластиклигининг динамик модули, h_3 - (59) - формула бўйича аниқланадиган товуш изоляцияси қатламининг қисилган ҳолдаги қалинлиги, м;

m_2 -полнинг сирт зичлиги (товуш изоляцияси бўлмаган қатлам), кг\м^2.

6.17. Рулонли материалдан иборат поли бўлган товуш изоляциясисиз қатламли қаватлараро ораёпма билан хаво шовқини изоляциялаш индекси $I_в$, дБ, ни ушбу меъёрларнинг 6.9 ва 6.10бб.ларига мувофиқ, бу ҳолда m-қатламли ораёпма (рулонсиз пол плитанинг сирт зичлигига тенг деб қабул қилиб, аниқлаш лозим

8-жадвал

Полнинг конструкцияси	$f_{нол}$ Гц	$I_{во}$ ёпма плита билан хаво шовкинининг изоляциялаш индексида $I_б$ - ораёпма билан хаво шовкинини изоляциялаш индекси, дБ				
		41	44	47	50	53
1.Пол ва плита ораёпмаси орасидаги масофа 60-70мм бўлганда, эластикликнинг(бикирлик) динамик модули $49x10^5$-$18,8x10^5$ н/м^2 бўлган (тасмали кистирма кўринишида) товушни изоляцияловчи катламга ёни бўйича жойланган ёғоч поллар.	150	51	52	53	54	55
	220	48	50	51	52	54
	350	46	47	49	51	53
	500	44	46	48	50	52
2.Полнинг копламаси яхлит стяжкадан (сувок) ёки кисилган холда калинлиги 20-25мм гача, эластикликнинг динамик модули $3x10^5$-$9,8x10^5$ н/м^2 бўлган товушни изоляцияловчи катлам бўйича сиртий зичлиги 60-120 кг\м^2 га эга йирма плиталардан иборат.	100	50	51	52	53	54
	150	48	49	51	52	53
	220	45	47	49	51	53
3.Шу каби, кумдан иборат товушни изоляцияловчи катлам бўйича ёки калинлиги 50-60мм эластикликнинг динамик модули $7.8x10^6$- $12.7x10^6$ н/м^2 ли шлакдан иборат	220	50	51	52	53	54
	350	47	49	50	52	53
	500	45	47	49	51	53

Эслатмалар: 1. Кисилган холатда прокладка (кисилма)нинг калинлиги 40мм гача ошганда $I_в$ катталикка 1дБ кўшиш лозим.

2. Тўкиш калинлиги 90-100мм гача ошганда, $I_в$ катталикка 1дБ кўшиш лозим.

9-жадвал

Материал	Зичлик кг/м^3	Динамик модулининг эластиклиги $E_д$, н/м^2 ва товуш изоляцияси катламига нагрузкасида товуш изоляцияси катлами материалининг нисбий кисилиши $\varepsilon_д$, н/м^2					
		1960		4900		9800	
		$E_д$	$\varepsilon_д$	$E_д$	$\varepsilon_д$	$E_д$	$\varepsilon_д$
1.Синтетик боғловчи асосидаги минерал момикдан иборат иссикликни изоляцияловчи плиталар:							
ярим каттик	100-125	$4.4x10^5$	0.5	$5.4x10^5$	0.55	$6.8x10^5$	0.7
каттик	126-150	$4.9x10^5$	0.45	$5.9x10^5$	0.5	$7.8x10^5$	0.6
2.Синтетик боғловчи асосидаги минерал момик плиталар ТУ 21-24-52-73 бўйича:							
ярим каттик	70-90	$3.5x10^5$	0.5	$4.4x10^5$	0.55	$5.5x10^5$	0.65
каттик	95-110	$3.9x10^5$	0.65	$4.9x10^5$	0.45	$5.9x10^5$	0.55
3.ТУ 21-24-51-73 бўйича тикилган минерал момик плиталар:	75-125	$5.4x10^5$	0.65	$4.9x10^5$	0.7	-	-
Шу каби	126-175	$4.9x10^5$	0.5	$6.4x10^5$	0.55	-	-
>>	176-225	$5.9x10^5$	0.45	$6.8x10^5$	0.5	-	-
4.Юмшок ёғоч толали плиталар	250	$9.8x10^5$	0.1	$10.7x10^5$	0.1	$11.7x10^5$	0.15
5.Йириклиги 15 мм шлак	500-800	$78.4x10^5$	0.08	$8.8x10^6$	0.09	-	-
6.Киздирилган кум	1300-1500	$117x10^5$	0.03	$12.7x10^6$	0.04	-	-

Эслатма. Ушбу жадвалда кўрсатилмаган, товуш изоляцияси катламига тўғри келадиган нагрузка учун $\varepsilon_д$ ва $E_д$ катталикларни, хакикий нагрузкага боғлик бўлган чизикли интерполяция бўйича кабул килиш лозим.

10-жадвал

Полнинг конструкцияси	f_0,	I_{vo} ёпма плита билан хаво шовкинининг изоляциялаш индексида I_v - ораёпма билан хаво шовкинини изоляциялаш индекси, дБ					
	Гц	91	88	86	84	82	80
1.Пол ва плита ораёпмаси оралиғидаги масофа 60-70мм бўлганда, эластикликнинг (бикирлик) динамик модули $4,9x10^5$-$11,8x10^5$ н/м^2 бўлган (тасмали кистирма қўлланишида) товушни изоляцияловчи қатламга ёни бўйича жойланган ёғоч поллар.	150 220 350	66 68 71	65 67 69	63 65 67	62 64 66	61 62 64	61 61 63
2.Полнинг копламаси яхлит стяжкадан (сувок) ёки эластикликнинг динамик модули $2,94x10^5$-$9,8x10^5$ н/м^2 бўлган товушни изоляцияловчи қатлам бўйича сиртий зичлиги 60 кг\м^2 га эга йиғма плиталардан иборат.	60 100 150 200	68 70 75 77	65 67 72 75	63 65 70 73	61 64 68 71	58 63 67 69	56 62 65 67
3.Шу каби, кумдан иборат товушни изоляцияловчи қатлам бўйича ёки эластикликнинг динамик модули $7.8x10^6$-$12.7x10^6$ н/м^2 ли плиладан иборат	150 250 350	69 74 78	67 72 76	65 70 74	64 68 73	62 67 71	61 66 70
4.Полнинг копламаси яхлит стяжкадан ёки эластикликнинг динамик модули $2.94x10^5$-$9.8x10^5$ н\м^2 бўлган товушни изоляцияловчи қатлам бўйича сиртий зичлиги 120 кг\м2 йиғма плиталардан иборат	60 100 150 200	66 70 74 75	63 67 71 72	61 65 69 71	59 64 67 69	57 62 65 67	55 60 63 65
5.Шу каби, кумдан иборат товушни изоляцияловчи қатлам бўйича ёки эластикликнинг динамик модули $7.84x10^6$-$12.74x10^6$ н\м^2 ли плиладан иборат	150 250 350	68 72 76	65 70 74	63 68 72	62 66 71	60 65 69	59 64 68

Эслатма: Яхлит стяжка ёки йиғма плиталарнинг сиртий зичликлари 60 ва 120 кг\м^2 оралиғида бўлганда, I_v шартли ракамларининг кийматини бутун сонгача яхлитлаб, чизикли интерполяция бўйича аниклаш лозим

11-жадвал

Ораёпмалар	Ораёпмалар плиталарининг сиртий зичлиги кг\м^2	I_{vo} нинг кийматлари, дБ
1.Туташ ва кўп бўшликли плитали	150	91
	200	88
	250	86
	300	84
	350	82
	450	80
2.Шиплари алохида	150	88
	200	84
	250	82
	300	80

Агар соф полнинг копламаси сифатида иссиклик изоляцияси асосидаги поливинилхлоридли линолеум олинган бўлса, у холда, каватлараро ораёпма билан хаво шовкинини изоляциялаш индексининг хисобланган катталигини 1дБ га камайтириш лозим.

6.18. Рулонли материалдан иборат поли бўлган товуш изоляциясиз ораёпма остидаги зарбали шовкиннинг келтирилган даражаси индекси I_v, дБ, ни куйидаги формула бўйича аниклаш лозим.

$$I_v = I_{v0} - \Delta I_v , \quad (61)$$

бунда Iy_0 - ораёпма плитаси учун зарбали шовкиннинг келтирилган даражасининг 11-жадвал бўйича кабул килинадиган индекси, дБ;

Δy_0 - 12-жадвал бўйича кабул килинадиган катталик, дБ.

Тўсик конструкцияларини (девор, тўсиклар, ёпмалар, эшиклар, дарвоза ва деразалар) лойихалаш

6.19. Шовкиндан химоя килиш учун белгиланган тўсик конструкцияларни лойихалашда хаво шовкинини изоляцияси бўйича энг эффектив конструкцияларни кабул килиш керак-бир катламли кавакли ёки говак тўлдирувчили бетонлар ва бетонлар ёки хаво оралиғи 4 см дан кам бўлмаган юка копламаси 1.5 см дан ортик бўлмаган бир катламли конструкциялар.

6.20. Куйидаги конструкцияга эга бўлган поллар кабул килинади:

а) яхлит товушни изоляцияли асос ёки 12-жадвалда кўрсатилган тўкма устидан донали паркет, линолеум, релин ва шунга ўхшаш материаллардан копланган;

б)рулон материаллар билан копланган (бу холда коплама билан хаво шовкинидан изоляциялаш коплама плитаси билан таъминланиши лозим);

в)лагада ва товуш изоляция катламда ёғоч кириндили плита, паркет ёғочлари билан копланиши шарт.

6.21. Товуш изоляция килувчи лентасимон еки донали (алохида) кистирма (катлам) устидан ёпмани пол билан бирга ёткизилганда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

а)лентасимон ёки донали кистирма (катлам) кенглигини лагани кенглигидан 5см кенг олиш керак;

б)кистирма (коплама) ни юзаси ёки узунлигини шундай кабул килиш керакки, эксплуатацион нагрузка юкланиш пайтида кистирмадаги кучланиш 9800 н/м^2 дан ошмаслиги лозим.

6.22. Товушни изоляцияловчи катлам бўйича пол билан ёпма биргаликда ёткизилишини лойихалаштирилаётганда, пол (плитаси ёки сувоғи, ва ёндош девор ва тўсиклар орасида камида 2-см дан кам бўлмаган ва товуш изоляцияловчи материал билан тўлдирилган оралик колдирилишини кўзда тутиш лозим.

Плинтус ва галтелларни факат полга ёки факат деворга (тўсикка) котирилишини кўзда тутиш лозим.

6.23. Икки катламли деворлар элементлари орасидаги мустахкам боғланиш тўсувчи конструкцияни контури бўйича бўлишини кўзда тутмок зарур.

Конструкциялар орасидаги хаво оралиғини 4 см дан кам бўлмас

12-жадвал

Полнинг конламаси	Калинлиги, мм	L, дБ
1. Луб экинларининг толаси асосидаги иссиклик, товуш изоляцияли поливинилхлорид линолеум	5.5	22
2. Шу каби	3.5	16
3. Асос ости нитрондан бўлган поливинилхлорид линолеум	3.6	19
4. Шу каби	5.1	25
5. Такроран иссик ишлов берилган, луб экинларининг толаси асосидаги иссиклик товуш изоляцияли игна тешиш билан латекслашган линолеум	3.8	18
6. Такроран иссик ишлов берилган, иккиламчи чикиндилардан игна тешиш асосидаги синтетик химояловчи катламли иссиклик товуш изоляцияли линолеум	4.5	22
7. Такроран совук ишлов берилган, поливинилхлорид толалари игна тешиш асосидаги иссиклик товуш изоляцияли линолеум	3.7	20
8. Тукиб-тикилган кистирмали такроран ишлов берилган иссиклик товуш изоляцияли линолеум	3.7	16
9. Намат асосидаги икки катламли релин	3.7	16
10. Тукиб-тикилган кистирмали сиртмоксиз ворсолин	4.5	20
11. Рифленланган юзали сиртмоксиз ворсолин	4.2	19

...кўзда тутиш керак.

Бир турдаги панеллардан иборат ...девор ёки тўсиқларни хаво шовқинидан изоляциясини индекси, шу деворни бир каватли панели хаво шовкини изоляцияси индексидан 9 дБ га юкори бўлади.

6.24. Тўсувчи конструкциялар элементлари у ёкдан бу ёкка утган говаги бўлмаган материаллардан лойихалаштирилиши лозим. У ёкдан бу ёкка ўтган ғоваги бўлган материаллардан тайёрланган элементлар учун ташки катламдан зич бетондан ёки 2 см дан кам бўлмаган калинликдаги коришмадан бўлишини кўзда тутиш зарур.

6.25. Ички тусувчи конструкциялар туташган жойларни бетон ёки коришма билан пухта беркитиш лозим.

6.26. Берк электр симларни лойихалаштираётганда, у ёкдан бу ёкка ўтадиган тешик уюштиришни талаб килмайдиган кистирмалар кўллаш лозим.

Электр симлар учун у ёкдан бу ёкка ўтадиган тешик булган холларда, шу тешикларни зич беркитувчи пона кўзда тутилиши зарур.

6.27. Эшиклар ва дарвозаларни хаво шовкини изоляциясини оширишни эшиклар ва дарвозалар полотноси (гасмаси)ни юза зичлигини ошириш, эшик полотносга (гамаси) зич этиб мослаш, шунингдек, зичлаштирувчи кистирмали остона ёки резиналанган матоли фартук ёки резина ёрдамида эшик ёки дарвозани пол билан орасидаги тиркишни беркитиш, яна шунингдек, эшик ва дарвозалар кесишмасини зичлаштирувчи кистирмалар ёрдамида эришиш мумкин.

Эшик ёки дарвозани ...ёпилишини таъминловчи ва кулф тешигини беркитувчи ускуналарни кўзда тутиш зарур. Эшик ва дарвоза кутилари ва унга ёндаш тўсиклар орасидаги тиркишларни ва зичмас жойларни пухта беркитиш зарур.

Товуш сингдирувчи материал билан копланган деворларда тамбурли куш эшиклар ва куш дарвозаларни лойихалаштиришга рухсат этилади.

6.28. Дераза ларни хаво ...нидан изоляциясини ошириш ойналарни калинлигини ошириш ойналар орасидаги хаво оралигини ошириш ойналарни ...каларга этиб...ни (эластик кистирма ёрдамида, махкамлаб ойналарни зич ёпилишини таъминловчи беркитиш куйилмаларини кўллаш ... ошириш мумкин.

6.29. Кувурлар билан кесишадиган тўсувчи конструкцияларни лойихалаштиришда талаб килинган товуш изоляциясини таъмин этиш зарур ва пайвандланган тиркиш, тешик ва ...йўколган жойлардаги ... изоляциясини ...ни олиш зарур.

Турар жой жамоат ва ёрдамчи бинолардаги деворлар, тусиклар ва ёпмаларни кувурлар билан кесишган жойларида ...кўзда тутмок зарур, гильза ...вур орасидаги жойларни эластик (кайишкок) ёпишкок материал билан тўлдириш зарур.

Ишлаб чикариш корхоналари бинолариниг девор, тусик ва ёпмаларидаги конструкцияларни коммуникациялар билан кесишган жойда коммуникация юлсига карагани 1.5-2 баробар ...

юзага эга бўлган ўйма бўлишини кўзда тутмок лозим, кейингчалик коммуникация ва тўсик конструкцияси оралиғи товушни изоляция этувчи ёки ёпишкок-кайишкок материал билан тўлдирилиб икки томонидан ёғоч, металл ёки бошка материалдан килинган копкок билан беркитилиши зарур.

Агар тўсик конструкциялар ток ўтказувчи коммуникациялар билан кесишса, тўсувчи конструкциялар ва коммуникациялар оралиғи электр изоляцияловчи ёпишкок-кайишкок материал билан (кабелли масса) тўлдирилишини кўзда тутиш лозим.

6.30. Девор, тўсик ва ёпма конструкцияларнинг бир неча коммуникациялар, уларни пакет ва коллекторларга бирлаштириш зарур, билан кесишган жойларида ўйма курилмаларини кўзда тутиш ва шу ўймаларни тўсувчи конструкцияларни тиклаш билан бир вактда беркитиб бориш лозим.

Кувурларни коллекторларга эгилувчан уламалар оркали ёки виброизоляция кистирмали планецларда улашни кўзда тутмок лозим.

6.31. Кувурлар билан кўшдеворларни, алохида полини ёки алохида шипли ёпмаларни кувурлар билан кесишганда, кувур ва бошка коммуникациялар конструкция элементлари билан мустахкам богланган бўлмаслиги зарур. Кувур ва бошка коммуникацияларни, алохида бўлган пол, алохида бўлган шип конструкциялари, кўш деворни бирорта элементларидан ёпишкок-кайишкок материалдан килинган кистирма билан ажратилишини кўзда тутиш зарур.

Дистанцион бошкариш, кузатиш кабиналари ғилоф, пана жойларни тўсик конструкцияларининг товуш изоляцияси.

6.32. Кузатиш, дистанцияни бошкариш кабиналари ва пана жойларни тўсувчи конструкциялари товуш шовкини изоляциясининг талаб килинаётган частота характеристикасини (33), (36) ёки (38), (41) формулалар билан аниклаш лозим.

Кабина ва пана жойлар герметик (зич ёпилган) бўлиши ва ички тўсувчи конструкциялари товуш-сингдирувчи копламалар билан копланган бўлиши лозим.

6.33. Агрегатлар, машиналар, ускуналарни (технологик процесс ва ускуна эксплуатациясини шароити рухсат этганича) ғилофи тўла беркитилиши лозим. Ғилофларни ечиладиган ёки кисмларга бўлинадиган, кузатиш ойналари билан, очиладиган эшикчалари бўлган ва шунингдек турли коммуникацияларни киритиш учун ўймалар билан лойихалаш лозим. Ғилофларни емайдиган ёки ёниши кийин бўлган вараксимон материаллардан лойихалаш лозим. Ғилофларни деворларини ички томонини товуш сингдирадиган коплама билан копланини кўзда тутиш, механизмдан ғилофга вибрация (титраш) узатилаётган бўлса ғилоф деворларини вибродемпфирловчи материал билан коплаш лозим. Вибродемпфирловчи копламани калинлиги ғилоф деворини калинлигидан икки-уч баробар калин бўлиши лозим. Ғилоф машинага ўрнатил-

ганда, агар машина ишлаши учун у оркали хаво циркуляцияси сакланиши зарур бўлса, ғилофда хаво ўтиши учун шовкин сўндиргич ўрнатилган каналларни кўзда тутиш лозим.

6.34. Ғилофни частота октава полосаларидаги талаб килинаётган товуш изоляциясини куйидаги формулалар билан аникланади:

а) шовкиндан химоя килувчи ғилоф, очик майдонда жойлашган ускуна устига ўрнатилганда

$$R_{тр\ кож} = L_р - L_{доп} - 15lg(r/r_0) - \beta_\alpha r/1000 - 10lg\alpha - 3, \quad (62)$$

бу ерда $L_р$ - шовкин манбаининг товуш кувватини октава даражаси, дБ;

r-шовкин манбаининг акустик марказидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа, м;

r_0 = 1 м;

β_α - хавода товушни сингдирилиш коэффициенти, дБ/км (4-жадвал);

α - 3-иловадаги жадвал маълумотлари бўйича аникланадиган, ғилофни ички сиртлари материалини ўртача сингдириш коэффициенти;

$L_{доп}$ - товуш босимини, ушбу меъёрни 3-бўлими бўйича аникланган, рухсат этилган октава даражаси;

б) шовкиндан химоя этадиган ғилоф, бино (хона) ичида жойлашган ускуна устига ўрнатилганда

$$R_{тр\ кож} = L_р - L_{доп} + 10lg\left(\frac{r_0}{2\pi r^2} + \frac{B_0}{4B_н}\right) - 10\ lg\alpha + 5, \quad (63)$$

бу ерда $B_н$ - ушбу меъёрни 4-бўлими бўйича аникланадиган, изоляцияланаётган хона доимийси, $м^2$;

$B_0 = 1 м^2$

$L_р$, $L_{доп}$, r, r_0, α - (62) формуладаги катталиклар ички товушни сингдирувчи коплама бўлмаганда 62, 63-формулалардаги 10lg катталик $10lg(S_{ист}/S_к)$ га алмаштирилади бу ерда $S_{ист}$ - манба сиртининг юзаси $м^2$;

$S_к$ - ғилоф сиртининг юзаси $м^2$.

6.35. Ғилоф деворлари билан хаво шовкини изоляциясини частота характеристикасини аниклаш, ясси деворлар учун ушбу меъёрни 6.11-банди ва цилиндрик деворлар учун ушбу меъёрни 6.12-бандида келтирилган усуллар билан аниклашга рухсат этилади.

Агар ғилоф ярим цилиндр шаклига эга бўлса, хисобдаги диаметр кийматини 1,5 маротаба ошириш лозим.

Ғилоф девори тешикларида, ғилоф деворини хаво шовкини талаб килинган изоляциясидан кам бўлмаган шовкин изоляциясини таъминлайдиган тиркиш шовкин сўндиргичларини кўзда тутиш зарур. Бундай шовкин сўндиргичлардаги тиркиш ғенглигини, тиркишни бир томони овоз сингдирувчи коплама билан копланганда 10-20 мм ва икки томонлама копланганда 20- 40 мм деб кабул килинади. Тиркиш шовкин сўндиргичларни товуш сингдирувчи копламаси калинлиги 50 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Шовкин сўндиргичлар узунлигини 0,5-1м дан кам кабул килмаслик лозим. Ғилофлар полга резина кистиргичлар билан ўрнатилади: ғилоф элементларини

агрегат ёки машина билан тегиб туришига рухсат этилмайди.

7. Товушни ютувчи конструкциялар ва экранлар қўлланиш соҳалари

7.1.Товуш ютувчи конструкцияларни (тўсувчи конструкциялар юзасини коплаш ёки ҳажмий товуш сингдирувчилар) ишлаб чикариш ва жамоат биноларидаги ишчи жойларда ва кишиларни доимо бўладиган жойлардаги овоз босимини даражасини пасайтириш учун қўллаш лозим.

7.2. Товуш ютувчи копламаларни шип ва хона деворларида жойлаштириш лозим. Коплама юзасини хисоблаб топиш лозим.

7.3. Ҳажмий шовкин сундиргич, хисоблаш натижасида топилган юза товуш босимини даражасини пасайишини таъминлай олмаса, шунингдак шипни копламаси урнига ва алоҳида шовкин манбаи устига ўрнатилади.

7.4. Экранлар шовкин манбаи ва шовкиндан ҳимоя этилаётган жойлар. ишлаб чикариш ва жамоат биноларидаги ишчи жойлар ва кишиларни доимо бўладиган жойлар, шунигдек шахар ва бошка аҳоли яшайдиган пунктларни селитеб зоналардаги товуш босими даражасини пасайтириш учун қўлланилади

Эслатма. Шахар ва бошка аҳоли яшайдиган пунктларда экранларни ушбу меъёрни 10 бўлими кўрсатмасига биноан қўллаш лозим.

7.5. Юқори интенсив шовкин манбаи бўлган биноларда (хоналарда) товуш сингдирувчи копламалар ва экранларни. бошка шовкиндан ҳимоя килувчи воситалар (товуш изоляцияловчи ғилофлар, режавий тадбирлар, шовкин сўндиргичлар ва ҳ.к.) билан биргаликда фойдаланиш лозим.

Товуш ютиш конструкциялари.

7.6. Товуш ютиш конструкциялар, ушбу меъёрни 5.2 б.га биноан аникланган товуш босимини талаб этилаётган пасайишини $\Delta L_{тр}$, хисобланаётган нукталарда камида 3 октава полосада 3 дБ дан ошса ёки бирор-бир октава полосада 5 дБ дан ошганда кабул килинади. Ишчи жойларда танланган ҳисоблаш нукталарида товуш босими даражасини талаб килинган пасайиши, шу ҳолларда мос равишда камида 2-3 дБ дан ошик бўлиши лозим.

Бу ҳолларда фақатгина товуш сингдирувчи конструкциялар билан товуш босими даражасини, акс товуш майдонида 10-15 дБ(А)га, ишчи жойларда эса 5-8 дБ(А)га пасайишини таъминлаш мумкин.

7.7. Агар хисоблаш натижасида олинган $\Delta L_{тр}$ киймати дБ да, ушбу меъёрни 7.6 моддасида курсатилганидан юкори бўлса, товуш босими даражасини пасайтириш учун товуш сингдирувчи конструкциялардан ташкари, кушимча воситалар, масалан экранлар қўллашни кўзда тутиш лозим.

7.8. Товуш босимини октава полосаларда товуш сингдирувчи копламалар билан эришилган пасайишини бино (хона) лар турига караб куйидаги формулалар билан аникланади:

а) мувофик улчамли бинолар учун

$$\Delta L = 10\lg[(1+M_c)/(1+M_c\ B/B_1)]\ , \quad (64)$$

б) ясси бинолар учун

$$\Delta L = 10\lg[(1+M_{пл})/(1+M_{пл1})]\ , \quad (65)$$

в) узун бинолар учун

$$\Delta L = 10\lg[(1+M_{дл})/(1+M_{дл1})]\ , \quad (66)$$

бу ерда M_c, $M_{пл}$, $M_{дл}$ - копламасиз бино (хона) даги хисобланаётган нукталардаги акустик муносабатлар (нисбат);

$M_{пл1}$, $M_{дл1}$ - акустик копламаси бўлган бино (хона) даги хисобланаётган нукталардаги акустик муносабатлар:

B - акустик копламаси бўлмаган хона доимийси, $м^2$;

B_1 - акустик камламаси бўлган хона доимийси, $м^2$.

7.9. Турли турдаги бинолардаги хисобланаётган нукталардаги акустик муносабатлар куйидаги формулалар оркали аникланиши лозим:

а) Мувофик улчамли бинолар учун

$$M_c = \frac{4}{B}\sum_{i=1}^{n} \Lambda_i \Big/ \sum_{i=1}^{m_1} \Lambda_i \Pi_i\ , \quad (67)$$

бу ерда B - (64) формуладаги катталик;

Λ_i, Π_i, n ва m_1 - (9) формуладаги катталиклар;

б) ясси бинолар учун

$$M_{пл} = \left[\frac{1-\alpha}{H}\sum_{i=1}^{n}\frac{\Lambda_i}{r_i+H}\ J(\alpha,\rho)_i\right]^{m_1} \Big/ \sum_{i=1} \Lambda_i \Pi_i \quad (68)$$

бу ердаги барча катталиклар (12) формуладаги кабул килинган катталиклардир;

в)узун бинолар учун

$$M_{дл} = \left[\frac{1-\alpha}{H}\sum_{i=1}^{n}\frac{r_i+G}{r_i+H}\ \Lambda_i J(\alpha,\rho)_i\right] \Big/ \sum_{i=1}^{m_1} \Lambda_i \Pi_i \quad (69)$$

бу ердаги барча боғланишлар (14) формуладаги кабул килинган белгилардир.

Акустик копламаси бўлган бинолар (хоналар) учун $M_{пл1}$, $M_{дл1}$ акустик муносабатлар (нисбатлар) мос равишда 68 ва 69 формулалар билан, улар таркибидаги барча формула ва графикларда ишлатилган товуш сингдирувчи коэффициент α ни α_1 га алмаштириб аникланади. Октава полосе частотасидаги коэффициент куйидаги формула билан аникланади:

$$\alpha_1 = [\alpha_0(S_{0тр} - S_{0бл}) + \Delta A]/S_{0тр} \quad (70)$$

$$\Delta A = \alpha_{0\,бл} \cdot S_{0бл} + \Delta A_{,n}\ ,$$

бу ерда α_0 - товуш сингдирувчи коплама копланган хона тусувчи юзаларининг (2) жадвал ёки (3) формула билан аникланадиган ўртача товуш сингдирувчи коэффициенти;

$S_{0тр}$ - бино (хона) нинг тусувчи конструкцияларининг умумий юзаси, $м^2$;

$S_{0бл}$ - товуш сингдирувчи коплама юзаси, $м^2$;

ΔA - товуш сингдирувчи копламани товушни сингдириш коэффициенти, $м^2$;

$\alpha_{обл}$ - копламани частотани октава полосасидаги, 3 илова бўйича аникланадиган, товушни сингдирувчи реверберацион коэффициенти;

$\Delta A_э$ - киритилаётган хажмий элементни товушни сингдириш коэффициенти, 3- илова бўйича аникланган;

$n_э$ - хажмий элементлар сони.

7.10. Октава полоса частоталаридаги хона доимийлари B, B_1 ни (4) формула бўйича, B_1 ни хисоблаётганда ўртача товуш сингдириш коэффициенти α_0 ни, (70) формула билан аникланган α_1 га алмаштириб аникланади.

7.11. Хонада n-та бир хил шовкин характеристикаларига эга бўлган манбалар жойлаштирилганда, акустик муносабатларни (нисбатларни) куйидаги формулалар билан аниклаш лозим:

$$M_c = \frac{4\eta}{B} \sum_{i=1}^{m} \Pi_i; \qquad (71)$$

$$M_{вл} = \left[(1-\alpha) \sum_{i=1}^{n} \frac{1}{r_i + H} J(\alpha, \rho_i) \right] \Big/ H \sum_{i=1}^{m_1} \Pi_i; \qquad (72)$$

$$M_{вл} = \left[(1-\alpha) \sum_{i=1}^{m} \frac{r_i + G}{r_i + H} J(\alpha, \rho_i) \right] \Big/ HG \sum_{i=1}^{m_1} \Pi_i \qquad (73)$$

бу ерда барча белгиланишлар (67-69) формуладаги белгилардир.

7.12. Товуш ютувчи коплама юзаси $S_{обл}$ м^2 куйидаги формула билан аникланади

$$S_{обл} = \frac{\Delta A_{тр}}{\alpha_{обл}}, \qquad (74)$$

бу ерда $\Delta A_{тр}$ - товуш босими даражасини топширилган пасайишини таъминлайдиган ва 16-расмдаги (ўртача товуш сингдириш коэффициенти α_1 (формула 70 бўйича), товуш босимини талаб этилаётган пасайиши киймати $\Delta L_{тр}$, дБ да ва бинонинг тўсик конструкцияларининг умумий майдони $S_{отр}$, м^2 бўйича) номограмма бўйича аникланган, талаб этилаётган товуш сингдиришнинг киймати.


Хисоб натижасида аникланган товуш сингдирувчи коплама юзаси $S_{общ}$, ушбу бино (хона)ни коплаш мумкин бўлган юзасидан катта бўлса, у холда $S_{общ}$ мумкин бўлган кийматини олиш ва кўшимча товуш сингдирилишини хажмий товуш сингдиргичлар куллаш билан таъминлаш зарур, хар бир октава полосасидаги сонини $n_{шт}$ куйидаги формула бўйича аниклanади:

$$n_{шт} = \frac{\Delta A_{тр} - \alpha_{обл} S_{обл}}{A_{шт}}, \qquad (75)$$

7.13. Хажмий товуш сингдирувчиларни, шип ва девор товушни сингдирувчи копламалари ўрнида кўллаганда улар сонини $n_{шт}$ куйидаги формулалар билан аниклаш лозим:

$$n_{шт} = \frac{\Delta A_{тр}}{A_{шт}}, \qquad (76)$$

бу ерда белгилашлар (75) формуладаги каби.



16. расм. Маълум бўлган a, $\Delta L_{треб}$ ва S кийматлари бўйича $\Delta A_{тр}$ кийматини хисоблаш учун диаграмма.

7.14.Хажмий товуш сингдирғичларни, хона хажмида бир-биридан ва тусик конструкциялардан 3-сон иловадаги 2-жадвалда кўрсатилган масофада жойлаштириш лозим.

Экранлар

7.15. Экранлар, ишчи жойлардаги ва кишилар доимо бўладиган жойларда хисобланаётган нукталардаги, шовкин манбаи хосил килаётган товуш босимини даражаси L дб, рухсат этилган товуш босимини даражасидан камида 10 дБдан ортик 20 дБдан кам бўлганда фойдаланиш мумкин.

Экранларни хонани товуш сингдирувчи копламаси билан биргаликда кўллаш лозим.

7.16. Экранларни шовкин манбаига караган томони юзаси товуш сингдирувчи коплама билан копланган чизик каттик темир тахталардан ёки щит (гов)лардан тайёрлаш лозим.

Товуш сингдирувчи материаллар сифатида, 3-сон илованинг 1-жадвалида келтирилган материаллардан фойдаланиш зарур Товуш сингдирувчи материал калинлиги 50-60 мм дан кам бўлмаслиги шарт.

7.17. Хисобланаётган нуктадаги товуш босими даражасини, экран урнатилгандаги пасайишини L дБ да, хар бир октава полосада аниклаш зарур.


1. Очик жой шароитида к-чи манбадан куйидаги формула билан аникланади:

$$\Delta L_к = \Delta L_{экр} = -10\lg(10^{-0,1\Delta L_{экр}} + 10^{-0,1\Delta L_{экр}})$$

I
бу ерда $\Delta L_{экр}$ - чексиз узун бўлган экранинг, 17-расмдаги нурйўллари δ_{1k} ва товуш частоталарини f фаркига кўра аникланган акустик эффективлиги, дБ;

II III
$\Delta L_{экр}$, $\Delta L_{экр}$ - чексиз баланд экраннинг, 17-расм нур йўллари δ_{2k}, δ_{3k} ва товуш частоталарини f фаркига кўра аникланган акустик эффективлиги, дБ.


Нур йўлларини фарки δ_{1k} 18 расмдаги формулаларга мувофик аниклаш лозим.



17-расм. Экранни акустик эффективлиги.

$$\delta_{1k} = a_{1k} + в_{1k} - d_{1k}$$
$$\delta_{2k} = a_{2k} + в_{2k} - d_{2k}$$
$$\delta_{3k} = a_{3k} + в_{3k} - d_{3k} \quad (78)$$

бу ерда a_{1k}, a_{2k}, a_{3k} - к-чи манба юзасидан, экранни мувофик равишда юкориги ва ён чегараларигача бўлган энг кисқа масофа м (18-расм).



18. Расм. Хисобий нукта (РТ) ва шовкин манбаи (ИШ) орасига экранни жойлаштириш схемаси.

$в_{1k}, в_{2k}, в_{3k}$ - экранни юкориги ва ён чегараларидан хисобий нуктагача бўлган энг кисқа масофа;

d_{1k}, d_{2k}, d_{3k} - хисобий нуктадан, мувофик равишда к-чи манба юзасигача ва экранни ён чегараларигача энг якин бўлган, юза элементларигача бўлган энг якин масофа, м.

2. К-чи манба хона ичида жойлашган шароитда куйидаги формула бўйича аникланади

$$\Delta L_k = 10\lg \frac{1 + 8\pi r_k^2/B}{10^{-0,1\Delta L_{экр}} + 8\pi r_k/B_1}, \quad (79)$$

бу ерда r_k - к-чи шовкин манбаи акустик марказидан хисобий нуктагача бўлган масофа, м;

В ва B_1 - экран ўрнатилгунгача ва ўрнатилгандан кейинги хона доимийси, $м^2$, 1.10 банд бўйича аникланган;

$\Delta L_{экр}$ - экранни очик жойдаги, (77) формула билан аникланган акустик эффективлиги.

3. Хона шароитида n-та шовкин

манбалари бўлганда қуйидаги формула билан аникланади

$$\Delta L = 10\lg\sum_{k=1}^{n} 10^{0,1L_k} - 10\lg\sum_{k=1}^{n} 10^{0,1(Lk-\Delta L_{экр})}, \quad (80)$$

бу ерда L_k - к-чи манбанинг хисобий нуктадаги товуш босимини октава даражаси, дБ;

$\Delta L_{экр}$ - (79) формуладаги катталик, фақат хар бир манба учун олинади.

7.18. Товуш даражаси бўйича, экранни акустик эффективлиги қуйидаги формула бўйича аникланади дБ(А):

$$\Delta L_{экр} = -10\lg(10^{-0,1\Delta L^{I}_{Аэкр}} + 10^{-0,1\Delta L^{II}_{Аэкр}} + 10^{-0,1\Delta L^{III}_{Аэкр}}), \quad (81)$$


бу ерда I,II,III

$\Delta L_{Аэкр} = 10\lg\delta_{1k,2k,3k} + \Delta_{экр}$

$\Delta_{экр}$ - тузатиш, дБ(А), кийматлари 19-расмда келтирилган. I,II,III

$\Delta L_{аэкр}$-(77) формула каби катталиклар, фақат дБ(А) да ифодаланган.

$\delta_{1k\ ,2k\ ,3k}$ - (78) формуладаги каби катталиклар.



19-расм. Экран эффективлигини хисоблаш учун тузатиш, дБ (А) ($L_{р.к}$ - тўла товуш куввати)

7.19. Товуш сингдирувчи материал билан экранни кушимча товуш сингдириш кийматини қуйидаги формула билан аниклаш лозим:


$$\Delta A_{экр} = \alpha_{обл}\sum_{k=1}^{m} S_{к\ экр}, \quad (82)$$

бу ерда $\alpha_{обл}$ - (70) формула би-лан аникланадиган товуш сингдириш коэффициенти;

$S_{кэкр}$ - к-чи экран юзаси (2 томанлама қоплама билан коплангандауни 1,5 бзрабар ошириш лозим);

m - хонага ўрнатилган экранларни умумий сони.

7.20. Экран улчамлари - баландликка H ва кенгликка l, шовкин манбаидан экрангача бўлган масофа r_1 ва экрандан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа r_2 ни 20-расм ва 13, 14-жадвалга мувофик қабул килиш зарур.




20-расм. Акустик экранлар шаклари ИШ - шовкин маньбаи;

1 - экран; 2 - хисобланаётган нукта экранни узунлик ўлчамлари шовкин манбаи ўлчамларидан камида уч барабар катта бўлиши лозим.

7.21. Товуш босимининг октавали даражасини экран билан пасайиш катталиги, $\Delta L_{экр}$, дБни $r_1 = 0,5$ м бўлганда, <<а>> туридаги учун 13-жадв. бўйича, <<б>> туридаги экран учун эса, экран ўлчамларининг тури ва шовкин манбаси, экран ва хисоблаш нукталарининг узаро жойлашувига боғлик холда 14-жадвал бўйича аниклаш лозим (20- расм).

Хар бир октава йўли учун $\Delta L_{экр}$, дБ, катталикни, шунингдек, 21-расмдаги чизма бўйича аниклашга рухсат этилади. Бу холда, экраннинг П-шаклидаги намунаси (<<б>> тур) учун экраннинг келтирилган кенглигини $l = l_{прив}$ эканлигини хисобга олиб, <<а>> турдаги l урнига $l_{прив} = l_1 + 2l_2$, м, кабул килиш лозим.



21-расм. Акустик экранлар самарадорлигининг ўртачаланган тавсифномалари. 1 - l/b = 1,75; 2-l/b = 4,5; H/a = 2,5 бўлганда; H/a = 5 бўлганда, 3 - l/b = 2; 4 - l/b = 5.

8. Вентиляция, хавони кондициялаш ва хаво билан иситиш тизимлари

Шовкин манбалари ва уларнинг шовкин тавсифномалари.

8.1. Вентиляция, хавони кондициялаш ва хавони иситиш тизимларининг шовкин манбаларига, вентиляторлар, махаллий кондиционерлардаги совитиш машиналари, электр-двигателлар, хавони ростловчи курилмалар, дроссельловчи (босимини пасайтирувчи) курилмалар, клапанлар (копкоклар), ёпкичлар, йуналтирувчи (белкураклар), хавони таксимловчи курилмалари (окимли ва тортувчи панжаралар, плафонлар, анемостатлар, доводчиклар (сайкалловчилар), хаво йўли тармоклари элементлари (бурилишлар, кўндаланг кесим ўзгаришлари, тармокланишлар) киради.

8.2.Вентиляторлар ва электр-двигателларнинг шовкин тавсифномалари амалдаги ягона нусха бўйича аникланиши ва паспорт ёки каталогда кўрсатилиши шарт.

Вентиляторларнинг шовкин тавсивномалари мавжуд бўлмаган холда, уларни меъёрларнинг ушбу кисм кўрсатмаларига амал килган холда аниклаш лозим.

Хавони ростловчи ва хавони таксимловчи курилмаларнинг шовкин тавсифномалари вентиляцион жихозларнинг паспортларида ёки каталогларида кўрсатилиши шарт, улар мавжуд бўлмаган холда эса, тажриба йўли билан аникланиши шарт.

13-жадвал

Экран улчамлари ва хисоблаш нукталарининг координатлари, м				Октавалар йулининг уртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш босими даражасини $\Delta L_{экр}$, дБ, экран ёрдамида пасайиши							
H	h	t	r_2	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
2.4	1.2	1	1	0	0	5	7	8.5	9	11.5	15
			2	0	0	4	6	8	8.5	12	13.5
			3	0	0	3.5	5.5	6.5	8	11	13
2.4	1.2	1.5	1	0	0	9	10	10	14	17	19
			2	0.5	0.5	9.5	8.5	10	12	15.5	18.5
			3	1.5	1	7	8	9.5	11.5	15	17
2.4	1.2	3.5	1	5	5	9	14.5	17.5	16.5	22	23
			2	4.5	5.5	10	12	16.5	17.5	22	23.5
			3	4	6	9	9.5	14	15	19.5	22
2.4	1.2	5	1	8	11	13.5	16	21.5	24	25	27
			2	8	10	9.5	13	20	23	24	27
			3	6	10	7	12	15.5	22	23.5	25
1.5	0.75	1.75	1	2	1	6	10	10.5	12	14	16
			2	1	0	5.5	7.5	10.5	12	14	15.5
			3	1.5	0	7	5.5	8.5	12	13.5	15
1.5	0.75	3.25	1	6	6	9	14	17	16	19	21
			2	5.5	3	7.5	9	14	15.5	19	20
			3	5.5	1.5	8.5	9	11.5	15	18	20
1.5	0.75	4.75	1	6.5	6.5	10.5	12	18	20	22	24
			2	6.5	3	11	12	16.5	17	20.5	23.5
			3	6.5	0.5	12	12.5	14.5	16.5	20.5	22.5
1	0.5	2.5	1	3	0	3.5	9	9.5	11.5	14	17
			2	2	0	3	10	9	10	13	15.5
			3	1.5	0	0	10	8.5	10	12.5	14
2	1	2.4	1	4	5	10	12.5	14.5	15.5	19.5	23
			2	4	4	8	10.5	14.5	15.5	18.5	22
			3	4	3.5	7.5	9.5	12.5	15.5	18.5	20

Эслатма. H,h,t,r_2 катталиклар 20-расмда курсатилган.

14-жадвал

Экран улчамлари ва хисоблаш нукталарининг координатлари, м					Октавалар йулининг уртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш босими даражасини $\Delta L_{экр}$, дБ, экран ёрдамида пасайиши							
H	l_1	l_2	h	r_2	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
1.5	0.75	1.5	0.75	1	8.5	6.5	13	14.5	19	19.5	24	25
				2	9	4	11	11.5	18.5	17	21.5	22.5
				3	7	2.5	13.5	11.5	18.5	17	19	21.5
1.5	0.75	1.5	1	1	6.5	7	12	15	18	18	22.5	22.5
				2	7	5	9	13.5	17	17	21	21
				3	7	3.5	9.5	10	16	16.5	20	20
2.4	2	1.5	1.2	1	6	7.5	10.5	17.5	21.5	22.5	27	26.5
				2	8	7	9.5	17	21	19.5	25.5	25
				3	4	7	9	15	20	20.5	24.5	24

8.3. Вентилятор товуш қувватининг октавали даражасини хисоблаш учун, аввало, вентиляторнинг товуш қувватининг умумий даражаси, дБ, суриш ва дам бериш учун алохида ушбу формула бўйича аниклаш зарур:

$$L_{Pобш} = L + 5(\alpha - 1)\lg P_V + 10\lg Q + \delta, \quad (83)$$

L - шовкин мезони, дБ, унинг кийматини 15-жадв. бўйича кабул килиш лозим;

P_v - вентиляторнинг ярата-диган тулик босими, Па;

Q - вентиляр хавосининг хажмий сарфи, $м^3/с$;

α - кичик вентилятор учун $\alpha = 5$, катталари (пуфлайдиган ёки (хайдайдиган), тутун сўргичлар ва бошкалар) учун $\alpha = 6$;

δ - вентиляторнинг ишлаш тартибига, изохлар бўйича кабул килинадиган тузатиш, дБ.

Эслатмалар: 1. $L_{робщ}$ катталик, сўриб олиш патрубкасига хавони равон келтириш шарти билан, вентиляторнинг сўриб олиш очик патрубкаси ёки дам бериш очик патрубкасидан (атмосферага ёки хонага) нурланадиган товуш қувватини тавсифлайди.

2. Хавони сўриш патрубкасига равон бўлмаган холда келтирилгандаёки дроссельни хаво йўлининг тўғри кисмида патрубкага ўрнатилганда, $L_{обш}$ катталикка ўкли вентиляторларга 8 дБ ва марказкочма вентиляторларга 4 дБ дан кўшиш лозим.

3.Вентиляторнинг ишлаш вактида фойдали иш коэффициентининг максимум тартибида ёки ундан купида 10 % орса, $\delta = 0$; купида 2 % оптанда - $\delta = +2$ дБ; 20 % дан ортик оптанда $\delta = +4$ дБ.

8.4. Вентиляторнинг сўриш патрубкаси ёки дам бериш патрубкаси оркали хаво йўлига тарқаладиган товуш қувватининг октавали даражаси L_p, дБ, куйидаги формула бўйича аниклана-ди:

$$L_p = L_{Pобщ} - \Delta L_1 + \Delta L_2, \quad (84)$$

бунда, $L_{робщ}$ - (83) формула билан аниклана-диган, вентиляторнинг товуш қувватининг умумий даражаси, дБ;

ΔL_1 - 16-жадвал бўйича кабул килинадиган, тузатиш, дБ;

ΔL_2 - 17-жадвал бўйича кабул килинадиган, тузатиш, дБ.

Агар хаво йўли вентиляторга уланмаса, у холда $\Delta L_2 = 0$.

8.5. Вентиляторнинг механик шовкинининг товуш қувватини октавали даражасини хисоблаш учун аввал хонадаги вентиляторнинг, каерда у ўрнатилган бўлса, механик шовкинининг товуш қувватини умумий даражасини, $L_{р\,мех.общ}$, дБ, ушбу формула бўйича аниклаш зарур:

$$L_{р\,мех.общ} = 23 \cdot 3\lg U + 20\lg D + 64, \quad (85)$$

бунда U - вентиляторнинг ишчи ғилдирагининг айланма тезлиги, м/с;

D - вентиляторнинг ишчи ғилдирагининг диаметри, м.

8.6. Хонадаги вентиляторнинг, каерда у ўрнатилган бўлса, механик шовкинининг товуш қувватининг октавали даражаси, $L_{рвп}$, дБ,ни куйидаги формула бўйича аниклаш лозим:

$$L_{рвп} = L_{р\,мех.общ} - \Delta L_1, \quad (86)$$

15-жадвал

Вентилятор			Вентилятор томонлари учун шовкин мезони, L, дБ		
Тури	Рақами	Ишчи ғилдиракнинг диаметри, % $D_{ном}$	дам бериш	сўриш	вентилятор атрофида
Радиалли					
Ц4-70	2.5;3.2; 4;5;6.3;8; 10;12.5	95-100 105	53 56	50 52	51.5 54
Ц4-76	8;10;12;16; 20	100	50	47	48.5
Ц14-46	2.5;3.2; 4; 5;6.3;8;	100	54	51	52.5
ВВД,	8;9;11	100	60	52	56
Ц10-28	2.5;3.2;4.5;	100	58	53	55.5
ЦП-7-40	5:6:8	100	58	53	55.5
Укли					
06-300	5;6.3;10; 12.5	100	52	52	52
06-300	-	100	50	50	50

$D_{ном}$ - вентиляторнинг ишчи ғилдирагининг номинал диаметри.

16-жадвал

Октавали полосаларнинг ўрта геометрик частоталари, Гц	Тузатма $\Delta L_{ш}$, дБ.		
	букилган, қуракчали радиал вентилятор		Укли вентилятор
	олдинга (Ц14-46, Ц9-55, Ц9-57, ЦП7-40, ВВД, Ц10-28)	орқага (Ц4-70, Ц4-76, КП3-90, Ц3-04, КЦ-4-81В)	
(16)	(10)	(19)	(23)
(32)	(6)	(15)	(18)
63	6	11	13
125	6	7	8
250	6	5	9
500	9	6	5
1000	13	9	7
2000	17	16	10
4000	21	21	16
8000	26	26	23
(16000)	(31)	(31)	(30)
(32000)	(36)	(36)	(37)

Эсматлалар: 1 Жадвалда келтирилган кавссиз бўлган каталиклар ўринли бўлади, қачон вентиляторнинг айланиш частотаси 700-1100 айл/мин чегарасида бўлса.

2. Вентиляторнинг айланиш частотаси 1410-2500 айл/мин бўлган, барча спектри (барча сонлар устуни), юқори частоталар (бир сатр пастга) томонига бир октава суриш лозим, 350-690 айл/мин бўлганда паст частоталар томонига (бир сатр юқорига) бир октавага суриш лозим, кавс ичида кўрсатилган 32 ва 1600 Гц частоталар учун берилган.

3. Вентилятор айланиш частотаси 2800-5600 айл/мин булганда, барча спектри худди аввалги ўхшаш, икки октавага (икки сатрга) юкори частоталар томонига сурилиш лозим, айланишлар сони 310-175 айл/мин бўлса паст частоталар томонига икки октавага сурилиш лозим.

17-жадвал

Вентилятор патрубкасининг майдонидан квадрат илдизи, мм	Октавалар йўлининг ўртача геометрик частоталаридаги тузатиш L_2, Гц							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
25	37	31	25	19	13	8	0	0
50	31	26	20	14	8	4	0	0
80	26	20	14	8	4	1	0	0
100	24	18	13	8	3	0	0	0
125	22	16	11	6	2	0	0	0
140	21	15	10	6	2	0	0	0
160	20	14	10	4	1	0	0	0
180	19	14	8	4	1	0	0	0
200	18	13	8	3	1	0	0	0
225	17	12	7	2	0	0	0	0
250	16	11	6	2	0	0	0	0
280	16	10	6	2	0	0	0	0
315	14	10	44	1	0	0	0	0
350	14	8	3	1	0	0	0	0
400	12	8	2	0	0	0	0	0
450	12	6	2	0	0	0	0	0
500	11	6	2	0	0	0	0	0
560	10	6	1	0	0	0	0	0
630	10	5	1	0	0	0	0	0
710	8	4	1	0	0	0	0	0
800	8	3	0	0	0	0	0	0
900	7	3	0	0	0	0	0	0
1000	6	2	0	0	0	0	0	0
1250	4	1	0	0	0	0	0	0
1400	4	1	0	0	0	0	0	0
1600	3	0	0	0	0	0	0	0
2000	2	0	0	0	0	0	0	0
2500	0	0	0	0	0	0	0	0

бунда $L_{р\,мех.общ}$ - 8.5 б га мувофиқ аниқланадиган, хонадаги вентиляторнинг, қаерда у ўрнатилган бўлса, механик шовқинининг товуш қувватининг умумий даражаси, дБ;

L_1 - 16-жадв. бўйича қабул қилинадиган тузатиш, дБ.

8.7. Агар хонада бир вақтнинг ўзида бир нечта вентилятор ишласа, у ҳолда, (20) формула бўйича алоҳида вентиляторлар товуш қувватлари даражаларини жамлаш йўли барча вентиляторнинг товуш қуввати йиғинди даражасини $L_{рвп}$, дБни аниқлаш зарур.

8.8.Маҳаллий кондиционерлар ва хонадаги ўкли вентиляторли бошқа вентиляцион қурилмалар (ҳаво йўллари, сўндиргичлар ва совутиш машиналари тармоқларисиз), қаерда улар ўрнатилган бўлса, (84) - формула бўйича, олинган қийматларга 3 дБ қўшган ҳолда, аниқлаш зарур. Хонадаги радиал вентиляторли маҳаллий кондиционерларнинг товуш қувватининг октавали даражасини (84) - формула бўйича - сўриш ва дам бериш учун алоҳида аниқлаш лозим ва олинган даражалар қийматларини (20) - формула бўйича йиғиш лозим.

Ҳисоблаш нуқталаридаги товуш босимининг октавали даражаларини аниқлаш

8.9. Манбаларнинг яратадиган шовқинининг товуш босими даражасини аниқлашда хонадаги ҳисоблаш нуқталарини шовқини манбаларига яқин бўлган ишчи ўринларда танлаш лозим.

8.10. Агар хонага шовқин бир нечта манбалардан келиб тушса, у ҳолда, ҳар бир шовқин манбаси учун алоҳида-алоҳида, ҳисоблаш нуқталаридаги товуш босимининг октавали даражаларини, L_i, дБ аниқлаш лозим:

ҳаво йўлига (ҳаво ростловчи қурилмалар, вентиляторлар, ҳаво йўллари тармоқ элементлари) ва кейин шовқиндан сақловчи хоналарга шовқин тарқатувчи манбалардан:

а)битта ҳаво тақсимловчи қурилма (панжара) орқали, келса қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$L = L_р - \Delta L_{р\,сети} + 10\lg\left(\frac{\varphi}{4\pi r^2} + \frac{4\upsilon}{B}\right), \qquad (87)$$

б)бир нечта ҳаво тақсимловчи қурилмалар (панжаралар) орқали шовқин келса, у ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$L = L_р - \Delta L_{р\,сети} + 10\lg\sum_{i=1}^{m}\left(\frac{\varphi_i}{4\pi r_i^2 \cdot n} + \frac{4\upsilon}{B}\right), \qquad (88)$$

хонада шовқин тарқатувчи манбалардан: хонадан очиқ ўрнатилган вентиляторлар, маҳаллий кондиционерлар ва уларнинг совитиш машиналари 4.8-4.12бб. бўйича, битта вентиляцион тизимнинг ёки ҳавони кондициялаш тизими ёки ҳаво ёрдамида иситишнинг ҳавони тақсимловчи қурилмаларидан (панжараларидан) эса, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$L = L_p + 10\lg\left(\sum_{i=1}^{m}\frac{\varphi_i}{2/\pi l_i^2} + \frac{4\upsilon n}{B}\right), \quad (89)$$

бунда L_p- ушбу меъёрнинг 8.2-8.4 бб.ларига мувофиқ аниқланадиган, шовқиннинг (панжаранинг) бир манбасининг товуш қуввати-ни октавали даражаси, дБ;

$L_{рсети}$ - (93) формула бўйича аниқланадиган, хонага чиқишигача шовқин тарқалиш йўли бўйича ҳаво йўлларининг тармоқ элементларида товуш қуввати **октавали даражасининг жамланган** пасайиши, дБ;

φ_1 - манба-ҳаво тақсимлагич ёки сўриб олувчи қурилмадан шовқин тарқалишининг йўналиш омили; агар манба бўшлиқда (устунда) жойлашган бўлса, $\varphi = 1$, девор юзасининг ўрта қисмида $\varphi = 2$, икки ёқлама бурчакда $\varphi = 4$, уч ёқлама бурчакда $\varphi = 8$;

V - 22-расмдаги чизма бўйича r/c_1 ва $(a+b)/2c$ параметрларга боғлиқ ҳолда ҳисобланадиган, υ хонанинг шаклини ҳисобга олувчи коэффициент; a,b,c - хона ўлчамлари (с-энг каттаси), м; c_1- шовқин манбасидан энг узоқда жойлашган тусиққача бўлган масофа, м;

r, r_i - шовқин манбасидан ҳисоб нуқтасигача бўлган масофа, м;

B-ушбу меъёрнинг 4.6 б. бўйича аниқланадиган хона доимийси, $м^2$;

m - вентиляция, ҳавони кондициялаш ёки ҳаво билан иситишнинг бир тизимидан ҳисоб нуқтасигача якин бўлган ҳавони тақсимловчи қурилмалар (панжаралар) сони;

n- ҳавони тақсимловчи қурилмалар (панжаралар)нинг умумий сони.


Эслатма. $r_i \le 5r_0$ (r_0 - кўрсатилган масофалардан энг кичиги) масофада жойлашган ҳаво тақсимловчи қурилмалар (панжаралар) ни ҳисобий нуқталарга якин бўлган қаторга киритиш лозим.

8.11. Вентиляция, ҳавони кондициялаш ёки ҳаво билан иситишнинг бир тизимининг барча ҳаво тақсимловчи қурилмалари орқали (ҳавони узатувчи ёки сўриб чиқарувчи панжаралар) шовқиндан ҳимояловчи хонадан ўтган **шовқиннинг товуш босимининг** октавалар даражасини L, дБ, ҳар бир тизим учун алоҳида қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим

$$L = L_p - \Delta L_{рсети} - 10\lg B + 10\lg\upsilon + 6, \quad (90)$$

Ифодалар (88) - формуладаги кабидир.

8.12. Агар шовқин канал (ҳаво қувури) деворлари орқали шовқиндан ҳимоя қилувчи хонага утиб кетса, у ҳолда товуш босимининг октавалар даражаси L, дБ, ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим.



22-расм. Хонанинг формаси (шаклини) ҳисобга олувчи коэффициентни аниқлаш учун график (чизма).

$$L = L_p - \Delta L_{p\,сум} - R_{кан} + 10\lg\frac{S_{кан}}{S_0} - 10\lg B + 10\lg\upsilon, \quad (91)$$

бунда $\Delta L_{p\,сум}$ -ушбу меъёрларнинг 8.16 ва 8.24 бб.га мувофиқ аниқланадаган манбадан (ҳаво йўли) канал қисмининг бошланғич кесимигача шовқин йўлида ҳаво йўллари (сўндиргичларни ҳам киритган ҳолда) тармоги элементларидаги товуш қувватининг октавалари даражасининг йиғиндили пасайиши, дБ;

$R_{кан}$ - ушбу меъёрнинг 6- бўлимига мувофиқ аниқланадиган, канал (ҳаво йўли) деворлари билан ҳаво шовқинини изоляциялаш ифодаси, дБ;

S_0 - каналнинг (ҳаво йўлининг) кўндаланг кесими майдони, м^2;

$S_{кан}$-хона чегарасида бўлган (ҳаво қувури)нинг шовқин тарқатувчи ташқи сиртининг майдони, м^2.

Қолган ифодалар (88) - формуладаги кабидир.

Шовқиннинг талаб этиладиган пасайишини аниқлаш

8.13. Хонанинг ҳисобий нуқтасидаги товуш босимининг октавалар даражаларини талаб этиладиган пасайиши $\Delta L_{тр}$, дБни ушбу меъёрларнинг 5.2 ёки 5.3 бб.ларига мувофиқ аниқлаш лозим.

8.14. Шовқиндан ҳимоя қилинмаган хона орқали келадиган каналлар (ҳаво қувурлари)нинг ҳаво тақсимловчи қурилмалари (панжалари) жойлашган, шовқиндан ҳимоя қилинган хонанинг ҳисобий нуқтасидан товуш босими октавалар даражаларининг талаб этиладиган пасайиши $\Delta L_{тр}$, дБни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$\Delta L_{тр} = L_1 + 10\lg S_p - \Delta L_{p\,сети} - 10\lg B + 10\lg n - L_{доп} + 5, \quad (92)$$

бунда L_1 - 4-бўлимдаги формулалар бўйича аниқланадиган, шовқиндан ҳимоя қилинмайдиган хонадаги товуш босимининг октавали даражаси, дБ;

S_p - шовқиндан ҳимоя қилинмайдиган хона орқали ҳаво қувурига шовқин ўтказадиган ҳаво тақсимловчи қурилмалар (панжаралар) майдони, м^2;

$\Delta L_{сети}$ - (93) - формула бўйича аниқланадиган, қаралаётган хоналар ўртасидаги вентиляция тармоғи участкасидаги, товуш қуввати даражасининг йиғиндили пасайиши, дБ;

B - ушбу меъёрнинг 4.6 б.га мувофиқ аниқланалиган, частоталарнинг октавали полосасида хонани шовқиндан ҳимояловчи доимийлик, м^2;

υ_n-шу қаби, (88) - формуладагидек, шовқиндан ҳимояловчи хона учун;

$L_{доп}$ - ушбу 3.4 ва 3.5 бб.ларига мувофиқ аниқланадиган, ҳисобий нуқтадаги товуш босимининг йўл қуйиладиган октавали даражаси, дБ.

8.15. Ҳаво қувурлари, ҳаво ростловчи ва ҳаво тақсимловчи қурилмаларининг тармоқ элементлари ёрдамида юзага келадиган шовқиннинг товуш қувватини октавалар даражасининг пасайишини $L_{р\,сети}$, дБ, ҳаво қувурларида ҳаво ҳаракати тезлигини пасайтириш йўли билан таъминлаш ва ушбу меъёрнинг 4.20, 8.10 ва 8.11 бб.лари бўйича аниқланадиган, ҳисобий нуқталардаги товуш босимининг йиғиндили октавали даражалари йўл қўйиладиган $L_{доп}$ дБ дан ош-

маслик шартидан хисоб буйича аниклаш лозим.

Бу холда, вентиляция, хавони кондициялаш ва хаво билан иситиш тизимларида хаво таксимловчи курилмалар (панжаралар) ёрдамида хонага хаво киритиш ва хонадан чикариш тезлигини, хавони иситиш, вентиляция килиш ва кондициялашни лойихалаш буйича КМК нинг бобига мувофик кабул килиш лозим.

Шовкинининг таркалиш йулидаги товуш кувват даражаларининг пасайиши

8.16.Шовкинининг таркалиш йулидаги товуш куввати даражаларининг йигиндили пасайишини хаво кувурлари тармогининг хар бир элементи учун кетма-кет аниклаш ва сунгра куйидаги формула буйича йигиш лозим:

$$\Delta L_{p\,сети} = \sum_{i=1}^{n_c} \Delta L_{pi}, \qquad (93)$$

бунда ΔL_{pi} - ушбу меъёрнинг 8.17-8.22 бб. буйича аникланадиган, хаво кувурларининг айрим элементларидаги товуш кувватиниг октавалар даражасининг пасайиши, дБ;

n_c - товуш куввати даражаларининг пасайишини хисобга оладиган хаво кувурларининг тармок элементлари сони.

8.17. Туғри бўрчакли ва айлана кесимли метал хаво кувурларининг туғри участкаларининг 1м узунлигидаги товуш кувватининг октавалар даражасининг пасайишини L_p, дБни 18-жадвал буйича кабул килиш лозим.

8.18. Гиштли ва бетонли каналларнинг туғри участкаларида товуш кувватининг октавалар даражалари ΔL_p, дБнинг пасайишини хисоблашда кузда тутилмайди.

8.19. Хаво кувурларининг бурилишларидаги товуш кувватининг октавалар даражаларининг пасайишини ΔL_p, дБ, 19 - жадвалдан аниклаш лозим. Бурилиш бурчаги 45^0га тенг ёки кам бўлганда, товуш кувватининг октавалар даражаларининг пасайиши хисобга олинмайди.

Хаво кувурларининг текис бурилишлари ва хаво кувурларининг туғри бурчак остидаги ва йуналтирувчи кураклар билан таъминланган бурилишлари учун товуш кувватининг октавалар даражаларининг пасайиши ΔL_p, дБ ни 20 - жадвал буйича кабул килиш лозим.

8.20. Хаво кувурининг кесими узгарган холдаги товуш кувватининг октавалар даражаларининг пасайиши ΔL_p, дБ ни, хаво кувурлари кўндаланг кесим ўлчамлари ва частоталарига боғлик холда аниклаш лозим:

а)хаво кувурларининг кўндаланг кесимининг мм даги ўлчамлари 21- жадвалдагидан кичик бўлган холда куйидаги формула буйича аникланади

$$\Delta L_p = 10\lg \frac{(m_n+1)^2}{4m_n}, \qquad (94)$$

бу ерда m_n - хаво ўтказувчи кувурларнинг кўндаланг кесими юзаларининг нисбати:

$$m_n = \frac{F_1}{F_2}, \qquad (95)$$

F_1 ва F_2 - кесим узгаргунча ва узгаргандан кейинги хаво ўтказувчи кувурларнинг юзалари, $м^2$

18-жадвал

Хаво йўлининг кундаланг кесим формаси	Гидравлик диаметр, мм	Октавалар полосаларининг ўртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш босими қуввати даражаларининг пасайиши, ΔL_{w}, дБ.							
		63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Тўғри бурчакли	75 дан 200 гача	0.6	0.6	0.45	0.3	0.3	0.3	0.3	0.3
	210 400	0.6	0.6	0.45	0.3	0.2	0.2	0.2	0.2
	410 800	0.6	0.6	0.3	0.15	0.15	0.15	0.15	0.15
	810 1000	0.45	0.3	0.15	0.1	0.06	0.06	0.06	0.06
Юмалоқ	75 дан 200 гача	0.1	0.1	0.15	0.15	0.3	0.3	0.3	0.3
	210 400	0.06	0.1	0.1	0.15	0.2	0.2	0.2	0.2
	410 800	0.03	0.06	0.06	0.1	0.15	0.15	0.15	0.15
	810 1000	0.03	0.03	0.03	0.06	0.06	0.06	0.06	0.06

19-жадвал

Бурилиш кенглиги, d, мм	Октавалар полосаларининг ўртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш босими қуввати даражаларининг пасайиши, ΔL_{w}, дБ							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
125	0	0	0	1	5	7	5	3
250	0	0	1	5	7	5	3	3
500	0	1	5	7	5	3	3	3
1000	1	5	7	5	3	3	3	3
2000	5	7	5	3	3	3	3	3

20-жадвал

Бурилиш кенглиги, d, мм	Октавалар полосаларининг ўртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш босими қуввати даражаларининг пасайиши, ΔL_{w}, дБ							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
125-250	0	0	0	0	1	2	3	3
260-500	0	0	0	1	2	3	3	3
510-1000	0	0	1	2	3	3	3	3
1100-2000	0	1	2	3	3	3	3	3

21-жадвал

Октавалар полосаларининг ўртача геометрик частоталари, Гц	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Хаво йўлининг кундаланг кесимининг ўлчамлари, мм	5000	2500	1400	700	400	200	100	50

"АҚАДМ" АТМ КУТУБХОНА

б) ҳаво ўтказувчи қувурларнинг кўндаланг кесими, мм. ўлчамлари 23-жадвалда кўрсатилганидан катта бўлганида қуйидаги формула бўйича:

$$\Delta L_p = 10\lg m_n \quad (m_n > 1 \text{ бўлганда}), \quad (96)$$

$$\Delta L_p = 0 \quad (m_n < 1 \text{ бўлганда}). \quad (97)$$

ҳаво ўтказувчи қувурларнинг кесимлари бирдан иккинчисига аста равон ўзгарганида товуш қувватининг октава даражасининг пасайиши дисобга олинмайди.

8.21. Ҳаво ўтказувчи қувурларнинг тармокланган жойида товуш қувватини октава даражасини пасайишини қуйидаги формула билан аниклаш лозим:

$$\Delta L_p = 10\lg \frac{\Sigma F_{отв} \quad (m_n + 1)^2}{F_{отв} \quad 4m_n}, \quad (98)$$

бу ерда m_n - ҳаво ўтказувчи қувурлар кесимини муносабати:

$$m_n = \frac{F}{\Sigma F_{отв}}, \quad (99)$$

F - ҳаво ўтказувчи қувурнинг тармокланишдан олдинги кесими, м^2;

$F_{отв}$ - ҳаво ўтказувчи қувурнинг алохида тармокланган қувурининг кўндаланг кесими юзаси м^2;


$\Sigma F_{отв}$ - алохида тармокланган барча ҳаво ўткузувчи қувурларнинг кўндаланг кесими юзаси, м^2.

Эслатма. Тармокланиш жойида, ҳаво ўтказувчи қувурларнинг бирорта тармоғини 90^0 га бурганда (98) формула бўйича аниқланган ΔL_p ни дБ 19 ёки 20-жадвал бўйича аниқланган ёпиқ қувурларнинг октава даражасини пасайиш қийматини қўшиш лозим.

8.22. Ҳаво ўтказувчи қувурларнинг охири очиқлиги натижасида кайтиши ёки панжарадан товушни кайтиши натижасида товуш қувватининг октава даражасини пасайиши L_p дБда 22-жадвал бўйича аниқланиши лозим.

Шовқин сўндиргичларини лойиҳалаш

8.23. Вентиляция, ҳавони кондициялаш, қизиган ҳаво билан иситиш тизим товушни сўндирувчи материали бор қувурли, пластинкали ва камерали шовқин сўндиргичлар (23-расм) қулланиши, шунингдек ҳаво ўтувчи қувурларни ва бурилиш жойларини товуш сингдирувчи материаллар қулланиши лозим.



23-расм. Шовқин сўндирувчилар конструкцияларининг схемалари

Хаво ўтказувчи қувур диаметри ёки тўғри бурчакли кесимга эга бўлган қувур охиридаги кўндаланг кесим юзаси ёки панжара юзасининг квадрат илдизи, мм	Октава полосаларининг ўрта геометрик частоталарида Гц, товуш қувватининг октава даражасининг							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
25	24	22	19	15	10	6	3	0
50	22	19	15	10	5	2	0	0
80	20	16	11	7	2	0	0	0
100	19	14	10	5	2	0	0	0
125	18	13	8	4	1	0	0	0
140	16	12	8	4	1	0	0	0
160	16	11	7	3	0	0	0	0
180	15	11	6	2	0	0	0	0
200	14	10	6	2	0	0	0	0
225	14	9	5	1	0	0	0	0
250	13	8	4	1	0	0	0	0
280	12	8	3	1	0	0	0	0
315	11	7	3	0	0	0	0	0
355	11	6	2	0	0	0	0	0
400	10	5	2	0	0	0	0	0
450	8	5	1	0	0	0	0	0
500	8	4	1	0	0	0	0	0
560	8	3	1	0	0	0	0	0
600	7	3	1	0	0	0	0	0
710	6	2	0	0	0	0	0	0
800	5	2	0	0	0	0	0	0
900	5	2	0	0	0	0	0	0
1000	4	1	0	0	0	0	0	0
1250	3	0	0	0	0	0	0	0
1400	2	0	0	0	0	0	0	0
1600	2	0	0	0	0	0	0	0
2000	1	0	0	0	0	0	0	0
2500	0	0	0	0	0	0	0	0

а- пластинкали, четдаги пластинкалари билан;б - пластинкали, четдаги пластинкаларисиз; в - тўғри бурчакли, кесимга эга бўлган қувурли;г - аилана шаклидаги кесимга эга бўлган қувурли;д - камерали; 1 - сўндирувчи ғилофи; 2 - товуш ютувчи (сингдирувчи) пластина; 3 - хаво учун каналлар; 4 - товуш сингдирувчи коплама; 5 - ички тўсиқ.

Шовқин сўндиргичлар конструкциясини хаво ўтказгич каналларига, хаво оқимининг ривожланган тезлигига ва товуш босимининг октава даражасини ҳисобга олиб пасайтиришга қараб танланади.

8.24. Қувурли шовқин сўндиргичлардан хаво ўтказгичларидаги босими 50 х 500 мм гача бўлган ҳолларда фойдаланилиши тавсия этилади.

Ҳаво ўтказгич қувурлари ўлчамлари ўндан катта бўлган ҳолларда эса пластинкали ёки камерали шовкин сўндиргичлардан фойдаланилади.

Эслатма. Муносиб равишда асосларга эга бўлганда бошқа турдаги шовкин сўндиргичлардан фойдаланишга рухсат этилади. Ари ининга ўхшаш шовкин сўндиргичлардан вентиляция, ҳавони кондициялаш ва ҳаво ёрдамида исситиш тизимларидан фойдаланиш ман этилади.

8.25. Пластинкали шовкин сўндиргичларни умумий ғилофда бир-биридан маълум масофада параллел жойлаштирилган, товуш сўндирадиган пластинкалардан лойиҳалаш зарур, сўндиргич учун пластинкалар қалинлигини 23-жадвалдан қабул қилиш лозим.

23-жадвал

Товуш босими даражасини максимал пасайтирилиши талаб қилинаётган октава полосасининг ўртача частотаси Гц	Пластинка қалинлиги, мм	
	ўртадаги	чекада
63	800	400
125	400	200
250	200	100
500 ва ундан юқори	100	50

8.26. Ички томони товуш сингдирадиган материал билан қопланган ҳаво ўтказувчи қувурлар ва бурилиш жойларидаги ва сўндиргичлардаги товуш қувватининг октава даражасини пасайиши ΔL, дБ ни тажриба йўли билан аниқлаш лозим.

8.27. Товуш сўндирувчи қоплама билан қопланган ҳаво олувчи қурилмалар (камера туридаги) даги товуш қувватининг октава даражасини пасайиши ΔL, дБ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta L = \sum_{i=1}^{n_k} 10 \lg \frac{A_i}{S_{i\text{вых}}}, \qquad (100)$$

бу ерда $A_i = \alpha_i S_i$ - алоҳида камерани тўла товуш сўндириши, $м^2$ (полнинг овозни сингдириши ҳисобга олинмайди);

S_i ва δ_i - камерани ички юзаси қопламасининг юзаси ва реверберацион коэффициентлари (α_i қийматини 2-сон илова маълумотлари бўйича аниқлаш лозим);

$S_{i\text{вых}}$ - чиқиш каналининг эркин кесимининг майдони, алоҳида камерадан "чиқиш" ва "кириш" сингари товуш тарқалиш йўналиши бўйича аниқланади, $м^2$;

n_k - камераларнинг умумий сони.

Эслатма. Тўрсимон ҳаво фильтрлари ва калориферлардаги овоз босими даражасини пасайишини ΔL_p, дБ, ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

8.28. Сўндиргичнинг зарур бўлган озод қирқими Sсв, $м^2$ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{СВ} = \frac{Q}{\upsilon_{доп}}, \qquad (101)$$

бу ерда Q - сўндиргич орқали утаётган ҳавони ҳажмий сарфи $м^3/с$;

$\upsilon_{доп}$ -сўндиргичдан ўтаётган ҳавони рухсат этилган тезлиги м/с. Бу катталик шовкин ҳосил бўлиши даражаси ва эга бўлган босим йўқолишига боғлиқ равишда қабул этилади.

Турар жой ва жамоат бинолари, ёрдамчи бинолар ва корхона хоналари учун, агар ҳаво ўтказувчи қувурларни бино (хона -

гача узунлиги 5-8 м дан кам бўлмаса, ҳавони ҳаракатланиш тезлигини 24-жадвалдан қабул қилишга рухсат этилади.

24-жадвал

Хона (бино)ларда рухсат этилган товуш даражаси, дБ	30	40	50	55
Сўндиргичдаги ҳавонинг рухсат этилган тезлиги, м/с	4	6	8	10

Эслатма. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги шовқин сўндиргичларда ҳавони ҳаракатланиш тезлиги 12 м/с дан ошмаслиги лозим.

8.29. Вентиляция, ҳавони кондициялаш, ҳаво ёрдамида иситишни лойиҳалаштирилаётган пайтда марказий шовқин сўндиргични кўзда тутмоқ зарур ва уни иложи борича вентиляцион тармоқ бошланишига, вентиляторга якин жойлаштириш зарур.

Ҳаво ўтаётган қувурларда ҳаво оқими ўтиши натижасида ҳосил бўлаётган шовқин, шунингдек, ҳаво ўтаётган қувурлар тармоқларига ташқи бошқа шовқин манбаларидан кираётган шовқинни пасайтириш учун, ҳисоблаш йўли билан қўшимча шовқин пасайтиргичлар ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

8.30. Вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хоналарда ўрнатилган шовқин сўндиргични деворлари ва ҳаво ўтказувчи қувурлар ҳаво шовқини изоляциясини октава кийматлари талаб қилинаётган ва қуйида келтирилган формула билан аникланган $R_{тр}$ дан кичик бўлмаслиги лозим, шунинг учун вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хоналарда ўрнатилган шовқин сўндиргични ғилофи ва у хонада сўндиргичдан кейин ўрнатилган ҳаво ўтказувчи қувурларни ташқи томонидан товуш изоляцияси қилиниши лозим:

$$R_{тр} = L + 10\lg S_{кан} - L_p + \Delta L_{рсум} - 4, \quad (102)$$

бу ерда L - вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хонадаги, шу меъёрнинг 8.5-8.7 бандларига биноан, 4.9 - 4.13 бандлардаги формулалар билан аникланган товуш босимининг октава даражаси, дБ;

$S_{кан}$ - вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хона ичидаги ҳаво ўтказувчи қувур ва шовқин сўндиргични юза майдони, $м^2$;

L_p - вентилятордан ҳаво ўтказувчи қувурга таркалаётган, (84) формула ёрдамида аникланган товуш қувватининг октава даражаси, дБ;

$L_{рсум}$ - вентилятордан вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хонадан чиқариш жойигача бўлган участкасидаги ҳаво ўтказиш қувурини ушбу меъёрнинг 8.16 ва 8.26 бандларига биноан аникланган товуш қувватини октава даражасининг йиғиндили пасайиши, дБ.

Ҳаво ўтказувчи қувурлар ва шовқин сўндиргич деворларини ҳаво шовқинини талаб этилган изоляцияси кийматини пасайтириш учун, вентиляцион асбоб-ускуналар жойлаштирилган хонани тўсик-конструкциялари деворларини товуш сингдирувчи қопламалар билан қоплаш мумкин.

9. Газ динамикаси ускуналари. Умумий кўрсатмалар

9.1. Компрессор станциялар, турбореактив ва газ турбинаси двигателли ускуналар, аэродинамик келиб чикишга эга шовкин манбаи, амалиёт ва тажриба стендларини лойиҳалаштирилаётганда шовкинни пасайтирилишини кўзда тутиш лозим.

9.2. Газ динамикаси ускуналаридан атмосферага таркалаётган шовкинни пасайтириш учун, шовкин таркалаётган йўл бўйича (газ динамикаси тракти, хаво олинадиган ва чикариладиган тизимлар, шахта ва каналларда) шовкин сўндиргичлар ёрдамида пасайтиришни кузда тутиш лозим.

Газ динамикаси курилмалари жойлаштирилган хоналардаги шовкинни пасайтириш, архитектура-режалаштириш тадбирлари ва ушбу меъёрнинг 6 ва 7 бўлимларига мувофик, товуш изоляцияси ва товуш сингдирувчи воситалар билан амалга ошириш лозим.

Шовкиннинг асосий манбалари ва уларни шовкин тавсифномалари.

9.3. Компрессорлар (ёки турбокомпрессорлар) ва хавони атмосферага кайта утказиш (чикариш) тизимлари компрессор станцияларининг асосий шовкин манбаидир.

Компрессор (ёки турбокомпрессор) шовкинни атмосферага хаво сурувчи ва чикарувчи трактлар акроли, машина зали хонасига эса компрессорнинг корпуси оркали таркалади.

Компрессор станциялари шовкин манбаининг шовкин характеристикаларини муайян турдаги компрессорлар учун тажриба маълумотларига биноан аниклаш лозим.

9.4. Чикарилаётган реактив оким ва укли сўриб олувчи компрессор, турбореактив двигателли курилмалар учун асосий шовкин манбаидир.

Бу манбаларнинг шовкин характеристикалари шу меъёрий хужжатнинг 9.7-9.13 бандларига биноан хисоб билан аникланади.

9.5. Газ турбинали курилмалар учун, компрессор турбина, помпажга карши клапанлар ва агрегатлар асосий шовкин манбаларидир.

Помпажга карши клапанлар ва агрегатларнинг шовкин характеристикалари муайян курилмалар учун тажриба маълумотларига асосан аникланиши лозим.

9.6. Аэродинамик келиб чикишга эга шовкин манбаи бўлган амалиёт ва тажриба стендларининг шовкин манбаининг шовкин характеристикалари, муайян курилмалар учун олинган тажриба маълумотларига асосан аникланиши лозим.

Турбореактив двигателнинг чикариш окими шовкинининг товуш кувати даражаларини аниклаш

9.7. Турбореактив двигателнинг чикариш окими шовкинининг товуш кувватининг умумий дара-

жаси $L_{робщ}$, дБ, қуйидаги формула билан аниқланиши лозим

$$L_{робщ} = 80\lg V_c + 20\lg\rho_c + 10\lg F_c - 44 \qquad (103)$$

бу ерда V_c - соплодан чиқаётган газ тезлиги м/с;

ρ_c - соплонинг чиқиш қирқимидаги оқимнинг зичлиги, кг/м^3;

F_c - сопло юзаси, м^2.

Чиқаётган оқимдаги V_c, ρ_c ва F_c параметрларнинг қийматлари технологик топшириққа мувофиқ қабул қилинади.

9.8. Турбореактив двигатель чиқараётган оқим шовқинининг товуш қуввати октава даражаси L_p дБ, қуйидаги формула билан аниқланади;

$$L_p = L_{робщ} - \Delta L_p \ , \qquad (104)$$


бу ерда L_p - шовқинни товуш қуввати умумий ва октава даражалари фарқи, бу катталик ўлчов бирлиги бўлмаган ва қуйида келтирилган формула бўйича аниқланадиган Струхал сони, Sh параметрига боғлик равишда, 24-расмда келтирилган турбореактив двигател чиқараётган шовқинни товуш қувватини нисбий спектрига асосан аниқланади, дБ;

$$Sh = \frac{f_{ср} d_c}{V_c} \ , \qquad (105)$$

$f_{ср}$ - шовқин октава полосасининг ўрта геометрик частотаси, Гц;

d_c - чиқараётган сопло диаметри м;

V_c - соплодан чиқаётган газ тезлиги м/с.



24-расм. Турбореактив двигател чиқараётган оқим шовқинининг товуш қувватининг нисбий спектр графиги.

Товуш тезлигигача бўлган ўкли компрессор сўрилиш шовқинининг товуш қуввати даражасини аниқлаш.

9.9. Товуш тезлигигача бўлган ўкли компрессорнинг сўрилиш шовқиннинг умумий товуш қувватини қуйидаги формула билан аниқлаш лозим

$$P_{общ} = 0{,}5 \left(\frac{1 - \eta_{ад}}{\eta_{ад}} \right)^2 \frac{m_t^2}{\rho C^3} \frac{H_{ад}^2}{D^2} \ , \qquad (106)$$

бу ерда $\eta_{ад}$ - компрессорнинг биринчи боскичини адиабатик ФИКи;

m_t - компрессордан ўтаётган хавонинг масса сарфи, кг/с;

$H_{ад}$ -компрессорнинг биринчи боскичини адиабатик босими дж/к;

D - компрессорнинг биринчи боскичи ишчи ғилдирагининг ташки диаметри, м;

ρ - компрессорга кираётган хаво зичлиги, кг/м^3;

С - компрессорга кираётган хаво харакатига боғлик ва қуйида

келтирилган формула билан аниқланадиган, товуш тезлиги, м/с

$$C = 20.1\sqrt{T}, \qquad (107)$$

бу ерда T - хавонинг абсолют харорати ^{0}K.

Компрессорнинг параметрлари $n_{ад}$, m_t, $H_{ад}$ ва D қийматлари технологик топшириққа мувофиқ аниқлаш лозим.

9.10. Ўқли компрессорни сўриш шовқинининг товуш қувватининг умумий даражаси $L_{п.общ}$, дБ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$L_{робщ} = 10\lg \frac{P_{робщ}}{P_o}, \qquad (108)$$

$P_{общ}$-компрессорни сўриш шовқинининг умумий даражаси, Вт;

P_0- товуш қувватининг нолинчи (бўсағадаги) қиймати, 10^{-12} Вт қийматга эга.

9.11. Ўқли компрессорни сўриш шовқинининг товуш қувватининг октавали даражасини, шовқин частота тавсифномасини 1/3 октавали полосаларида қайта хисоблаш йўли билан, ушбу меъёрларнинг 9.12.б.да келтирилган кўрсатмаларига биноан қурилган ва октава полосасига кирувчи, частоталарнинг 1/3 октава полосаларига мос келувчи (20)-формула бўйича қўшиш йўли билан аниқлаш лозим.

9.12. Компрессорни сўриш шовқинини, частотанинг 1/3 октава полосаларидаги товуш қувватининг даражасини қуйидаги формула билан аниқлаш лозим:


$$L_{pi} = L_{робщ} - \Delta L_{pi}, \qquad (109)$$

бу ерда L_{pi} - товуш қувватининг умумий ва 1/3 октава даражасидаги товуш қувватлари фарқи. Бу катталик компрессорнинг сўриш шовқинини улчов бирлиги бўлмаган частоталарига боғлиқ 25-расмда келтирилган компрессорнинг сўриш шовқинининг товуш қуввати нисбий спектри графиги бўйича аниқланади:

$$f = \frac{60 f_i}{n_B}, \qquad (110)$$

f_i - компрессорни сўриш шовқинини 1/3 октава полосасининг ўртагеометрик частотаси;

n_B - компрессор роторининг айланиш сони айл/мин.



25-расм. Компрессорни сўриш шовқинининг товуш қуввати нисбий спектр графиги.

Компрессорни сўриши шовқинининг спектрини тонал таркиби (алохида гармоник) частоталари қуйидагича аниқланади:

ўлчовли частоталар

$$f_T = \frac{z n_B}{60} m_T, \qquad (111)$$

ўлчовсиз частоталар

$$f_T = m_T z, \qquad (112)$$

бу ерда z - компрессор биринчи боскичи ишчи ғилдиракларидаги куракчалари сони;

n_B - компрессор роторининг 1 мин давомида айланиш сони;

m_T - тонал тартиб рақами (1, 2, 3.....).

Эслатма: Компрессор сўришидаги шовқиннинг товуш қувватини нисбий спектри 18-расмда келтирилган график бўйича аниқланаётганда, ΔLp, дБда, аввалига уч-

та гармониканинг ўлчов бирлигисиз частоталари $f_1=z$, $f_2=2z$, $f_3=3z$ жойлашган 1/3 октава полосанинг ўрта геометрик частотаси учун, сунгра 1/3 октава полосанинг колган барча ўрта геометрик частотаси учун аникланади.

Газ динамикаси ускуналари шовкин сўндиргичларини лойихалаш.

9.13. Газ динамикаси ускуналари учун шовкин сўндиргичларни лойихалаштиришда, хар бир шовкин манбаи учун, ушбу меъёрнинг 3-5 бўлимларидаги кўрсатмаларга биноан акустик хисоб асосида шовкин сўндиргичлар лойихалаштирилиши лозим.

9.14. Газ динамикаси ускуналари шовкин даражасини пасайтириш учун товуш сўндирувчи материалли шовкин сўндиргичлар кўлланиши лозим.


Шовкин сўндиргичлар талаб килинаётган частота диапазонида шовкин даражасини кераклича пасайишини таъминлаши ва максимал аэродинамик каршиликка эга бўлиши лозим.

9.15. Газ динамикаси ускуналарининг шовкин сўндиргичининг тури ва ўлчамларини, шовкин даражасини талаб килинаётган пасайишини частота характеристикаси, эга бўлган босим йуколиши, газ харорати ва ушбу меъёрга 4-сон илованинг 1-4 жадваллари асосида шовкин сўндиргични озод кесимининг зарур юзаси $F_{св}$, $м^2$, асосида танлаш зарур.

Эслатма:1. 3-сон иловада келтирилган маълумотлардан газ окимининг тезлиги ва шовкин манбаининг товуш куввати даражаси жадвалда кўрсатилганига мувофик бўлгандагина фойдаланиш мумкин.


2. 4-сон илова бўйича шовкин сўндиргичлар танлаб олишнинг иложи бўлмаган холларда, махсус шовкин даражасини пасайтирадиган махсус ускуналар лойихалаштириш зарур.

Кувурсимон шовкин сўндиргичларни (26-расм) компрессор курилмаларининг хаво сўриш жойларида кўллаш лозим. Бу шовкин сўндиргичларнинг техник характеристикалари 4-сон иловадаги 1-жадвалда келтирилган. Вертикал кувурсимон шовкин сўндиргичларни (27-расм) компрессорларни хавони чикариш жойларида ва кичик газ динамикаси ускуналарида кўллаш зарур. Бу шовкин сўндиргичлар техник характеристикалари 4-сон иловадаги 2-жадвалда келтирилади.



26-расм.Компрессорнинг хаво сўриш жойига урнатилган кувурсимон шовкин сўндиргичларнинг схемаси.
1-шовкин сўндиргич секцияси; 2 - товуш ютадиган тўлдирувчи; 3 - перфорацияланган варак; 4 - фланец.

Ясси шовкин сўндиргичларни (28-расм), компрессор, турбокомпрессор станцияларда, йирик вентиляцион ускуналарда, шунингдек, турбореактив двигателларни хаво сўриш шахталари ва хаво сўрилиш боксларида, шунингдек, йирик газ динамикаси ускуналарида 4-сон иловадаги 3-жадвалга мувофиқ ўрнатишни кўзда тутмоқ зарур.



27-расм. Компрессор ва кичик газ динамикаси ускуналарйга ўрнатилган вертикал кувурсимон шовкин сўндиргичлар схемаси.
1 - зонт; 2 - товуш сўндиргич 3 - перфорацияланган варак (тунука); 4 - шовкин сўндиргич секцияси; 5 - цокол; D_1 - шовкин сўндиргичнинг ички диаметри; D_2-шовкин сўндиргичнинг ташки диаметри; D_3-келтирилаётган хаво кувури диаметри; l - секция узунлиги.

Зангламайдиган турли, керамзит билан тўлдирилган йиғма секцион вертикал шовкин сўндиргич курилмаларини (29-расм) кичик ва ўрта турбореактив двигател ускуналарида ва бошка газ динамик ускуналарда (турбокомпрессор, ёниш камераси ва х.к.) 4-сон илованинг 4-жадвалига кўра ўрнатишни кўзда тутиш зарур.

9.16. Шовкин сўндиргичларнинг узунлиги l ва озод кесимини (абсолют $F_{св}$ $м^2$ да ёки нисбий $F_{св}$ % да) 4-сон иловадаги 1-4 жадвал бўйича шундай кабул килиш керакки, кабул килинган ўлчамлар хисобланаётган нуктадаги овоз босимининг октава дара-жаси акустик хисоб бўйича талаб килинганидан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим.

9.17. Шовкин сўндиргичнинг зарур бўлган абсолют озод кесимининг юзасини куйидаги формула билан аникланади


$$F_{св} = \frac{G}{\upsilon_{доп}}, \qquad (113)$$

бу ерда G - шовкин сўндиргичдан ўтаётган хаво ёки газли хаво аралашмасининг технологик топшириқ бўйича аникланган сарфи $м^3/с$.

$\upsilon_{доп}$ - аэродинамик хисоб бўйича, хаво ёки газли хаво аралашмасининг шовкин сўндиргичдан утаётгандаги рухсат этилган тезлиги, м/с.


10. Шахар ва бошка ахоли яшайдиган пунктларнинг селитеб территорияси

10.1. Шахар ва бошка ахоли яшайдиган пунктларнинг селитеб территорияларини лойихалашда ва куришда 1-жадвал бўйича рухсат этилган товуш даражасини таъминлашни ва ҚМҚ 2.07.01- 94-даги "Ташки мухитни химоя килиш" бобида баён килинган талабларни таъмин этган холда амалга ошириш зарур.



28-расм. Горизонтал ва вертикал шахталарда пластинкали сўндиргичларни жойлаштириш схемаси:

H - шит қалинлиги; h - шитлар орасидаги тирқиш (шитлар қадами);
l - шитлар узунлиги.



29-расм. Цилиндрик товуш ютгичлари бўлган секцияли вертикал шовқин сўндиргич схемаси:

1. - шовқин сўндиргич секцияси;
2. - загламайдиган турли цилиндрик товуш ютгичлар;
3. - товуш ютувчи тўлдиргич;
4. - перфорацияланган тахта (лист);
D. - шовқин сўндиргичнинг ички диаметри.

Асосий шовкин манбалари ва уларнинг шовкин характеристикалари.

10.2. Шахар ва бошка ахоли яшаш пунктларидаги кучалар ва йуллардаги транспорт окими, темир йул поездлари, метрополитен поездлари (очик линияларда), хаво танспорти воситалари, очик электр трансформаторлари подстанциялари, ишлаб чикариш корхоналари ва кварталнинг ички шовкин манбалари, уларнинг асосий ташки шовкин манбаларидир.

10.3. Шахар ва бошка ахоли яшаш пунктларидаги кучалар ва йуллардаги транспорт окимининг шовкин характеристикаларини амалдаги стандарт буйича аниклаш лозим.

10.4. Шахар ва бошка ахоли яшаш пунктлари кўча ва йулларидаги транспорт окимини, $L_{А\ экв}$, дБа, "тиғиз пайт" шароитидаги хисобий шовкин характеристикасини 30-расмдаги номограмма буйича аниклаш тавсия этилади.

Транспорт окимининг шовкин характеристикасини лойихалашни генлойиханининг стадияларидаги (т.и.т.) детал лойихалаш стадияларида номограмма буйича аникланади.

Агар транспорт окимининг микдорий характеристикалари номаълум бўлса, транспорт окимининг эквивалент товуш даражаси 5-иловадаги 1 жадвал буйича аникланади.

Номограмма шкаласида, транспорт окимининг умумий транспорт микдоридаги юк ва жамоат транспорт воситалари улушига мос келадиган Р нукта топилади

Номограммада транспорт окими харакатини урта тезлигига мос келадиган V нукта топилади. Топилган нукталар бирлаштирилади. Бирлаштирилгандан J олинган кесмани ёрдамчи шкала У билан кесишган нуктасини, транспорт окими харакати интенсивлигига мос Q шкаладаги нукта билан бирлаштирилади.

Олинган кесмани Q шкала билан кесишган нуктага мос товушни эквивалент даражаси киймати, транспорт окими шовкинини кидиралаётган киймати бўлади. У узунасига киялиги 40 % атрофида бўлган, катнов йули асфальтбетон билан копланган кўча ёки йулда харакатланаётган транспорт окимини белгиланган режимига мос келади.

10.5. Темир йул поездлари оқими килиб, хисобланаётган нуктага якин бўлган из ўкидан 7.5 м масофадаги 26-жадвалдаги тузатиш билан 25-жадвал . буйича аникланган товушнинг эквивалент даражаси $L_{Аэкв}$, дБА олинади.

Темир йулнинг курилаётган участкасида бир неча турдаги поездлар (пассажир, юк ва электропоездлар) харакатланаётганда поездлар окимининг шовкин характеристикасини (20)-формула буйича алохида поездлар харакати учун аник-ланган эквивалент товуш даражаларини жамлаш (энергия буйича) йули билан аникланади.

10.6. Бир гурух турар жой бинолари ичидаги шовкин манбаларини шовкин характеристикалари килиб, шовкин манбаидан 7.5 м нарида жойлашган чегарадаги товушни эквивалент даражалари олинади, $L_{экв}$, дБА, бу катталик 27-жадвал буйича аникланади

Хисоблаш нукталаридаги товуш даражасини аниклаш

10.7. Шовкиндан химоя этилаётган объект территориясида жойлашган хисобланаётган нуктадаги товуш даражаси $L_{Атер}$ дБА қуйида келтирилган формула билан аникланади

$$L_{Атер} = \Delta L_{Азкв} - \Delta L_{Арас} - \Delta L_{Азкр} - \Delta L_{Азел}, \quad (114)$$

бу ерда - $\Delta L_{Азкв}$ ушбу меъёрнинг 10.3-10.6-бандлари буйича аникланган, шовкин манбаининг шовкин характеристикаси дБА;

$\Delta L_{Арас}$ - шовкин манбаи ва хисобланаётган нукта орасидаги масофага боғлиқ бўлиб 31-расмдаги график бўйича аникланган товушнинг пасайиш даражаси, дБА; $\Delta L_{Азкр}$ - товушни тарқалиш йўлидаги экранлар билан товуш даражасини пасайиши, дБА. Бу катталик ушбу меъёрни 10.13 - 10.16 бб. лари бўйича аникланади;

25 - жадвал

Поездлар	Харакат интенсивлиги жуфт/соат											
	1	2	3	4	5	6	8	10	15	20	25	30
	Товушни эквивалент даражаси $L_{Азкр}$ дБА											
Пассажир	66	69	71	72	73	74	75	76	78	79	80	81
Электропоездлар	72	75	77	78	79	80	81	82	84	85	86	87
Юк ташувчи	76	79	81	82	83	84	85	86	88	89	90	91


26 - жадвал

Товушни эквивалент даражасини тузатиш	-5	-4	-3	-2	-1	0	+1	+2	+3	+4	+5
Поездларнинг ўртача харакат тезлиги км/соат:											
Пассажир ва юк ташувчи	-	-	-	40	50	60	80	100	-	-	-
Электропоездлар	40	43	47	50	55	60	70	75	80	90	100

27-жадвал

Шовкин манбалари	Товушнинг эквивалент даражаси $L_{Аэкв}$, дБА
Ҳаҳлат йиғиштирадиган машиналар ишлаётганда	71
Юкларни тушириш ва тара ортишда	70
Болалар ўйинлари	74
Суви калкийдиган бассейнларда болалар чўмилиш	76
Спорт ўйинлари:	
футбол	75
волейбол	74
баскетбол	66
теннис	61
стол теннис	58
городки	71
хоккей	65

$\Delta L_{Аэл}$ - яшил кучат билинган дарахтлар чизими туфайли, ушбу меъёрнинг 10.17-банди бўйича аникланган товушнинг пасайиш даражаси.



31-расм. Шовкин манбаи ва хисобланаётган нукта орасидаги масофага боғлик равишда товушнинг пасайиш даражасини аниклаш графиги

1-бир гурух турар жой бинолари ичкарисидаги шовкин манбаи, трансформаторлар;

2 - транспорт окими, темир йўл поездлари.

10.8. Шовкиндан химоя килинаётган объект территориясида жойлашган, хона (бино) ичидаги, хисобланаётган нуктадаги товуш даражаси куйидаги формула билан аникланади

$$LАпом = L_{АТЕР} - \Delta L_{Аок}, \quad (115)$$

бу ерда $L_{АТЕР}$ - шовкиндан химоя этилаётган объект тўсувчи конструкцияларидан 2 м наридаги, кўчат килинган дарахтлар туфайли товуш даражасининг пасайишини хисобга олмаган холда, (114) - формула бўйича аникланган товуш даражаси, дБА;

$\Delta L_{Аок}$ - объектни шовкиндан химоялаётган деразанинг тузилиши (конструкцияси) туфайли товуш даражасини пасайиши, дБА. Бу катталик 28-жадвал бўйича аникланади.

10.9. Бир нечта шовкин манбаи бўлганда хисобланаётган нуктадаги товуш даражасини $L_{Аiтер}$, дБА да, хар кайси манба учун алохида аниклаб, 20-формула бўйича улар кийматларини энергия бўйича жамлаш лозим.

Товуш даражасини талаб этилган пасайишини аниклаш

10.10. Шовкиндан химоя этилаётган объект территориясида ёки бино (хона)ларида жойлашган хисобланаётган нуктадаги талаб этилаётган товуш даражасини пасай-

28 - жадвал

Деразани тузилиши (конструкцияси)	Шиша калинлиги, мм	Шишалар орасидаги хаво оралиғи масофаси, мм	$\Delta L_{A\ ок}$ дБА киймати	
			Периметр бўйича жипс бўлиб турган шароитда	
			Зичлаштирувчи кистирмасиз	Пенополиуретандан қилинган кистирма билан
1. Очиқ форточкали (дарчали), ингичка табакали ёки фарамугали дераза	-	-	10	-
2 Бир каватли дераза	3	-	18	20
	6	-	21	23
3. Қўш дераза	3 и 3	57	22	24
	6 и 3	57	26	28
	6 и 4	57	27	29
4. Алохида - яқинлашган дераза	3 и 4	90	24	26
	6 и 4	90	28	30
5. Алохида - алохида дераза	6 и 3	120	30	32

ишини $\Delta L_{Атр.тер}$ ёки $\Delta L_{Атр.пом}$, дБА қуйида келтирилган формулалар ёрдамида аниқланади

$$\Delta L_{Атр.тер} = L_{Атер} - L_{Азкадоп}, \quad (116)$$

$$\Delta L_{Атр.пом} = L_{Апом} - L_{Азкадоп}, \quad (117)$$

бу ерда $L_{Азкадоп}$ - шовқиндан химоя этилаётган объект территорияси ёки бино (хона) даги рухсат этилган товуш даражаси, дБ(А).


Экранлар ва кўчат қилинган дарахт чизими

10.11 Шовқиндан химоя этилаётган объектлар территориясида ва бино (хона)ларидаги товуш даражасини пасайтириш учун шовқин манбаи ва шовқиндан химоя этилаётган объектлар орасида экранлар қўлланиши лозим.

10.12. Экран сифатида жой рельефининг табиий ва сунъий элементларидан (уйилган жой, ер кавальерлари, баландлик, тепаликлар ва бошқалар) фойдаланилади.

10.13. Темир йўл поездлари ва транспорт окимларининг экранлар билан товуш даражаларининг $\Delta L_{Азкэ}$ пасайишини қуйидаги катталиклардан боғлиқ бўлган холда аниқлаш лозим: ушбу меъёрларнинг 10.14 б. га мувофик $L_{Азкр}$ дБАларда, 10.15 б.га муво-фик $\Delta L_{Азкр}$ ва $L_{Азкр}$ дБА-ларда хисобланади.

10.14. Экран воситаси билан товуш даражасини пасайиши $L_{Азкр.э}$ дБА да қабул қилинган экран баландлигида товуш нурини ўтиш узунлигини. б.м.



30-расм. Транспорт окимининг товуш эквивалент даражасини аниклаш учун номограмма.

фаркига боғлиқ равишда 29-жадвал бўйича аниқланиши лозим.

Товуш нурини ўтиш йўлини узунлигини фарқи, м, 32-расмдаги келтирилган экранлар схемасига мос равишда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\delta = (a + в - c), \qquad (118)$$

бу ерда а - шовқин манбаининг геометрик маркази билан экранни юқориги қирраси орасидаги энг қисқа масофа, м;

b - ҳисобланаётган нуқта билан экранни юқориги қирраси орасидаги энг қисқа масофа, м;

с -шовқин манбаининг геометрик маркази билан ҳисобланаётган нуқта орасидаги масофа, м.

10.15. Экран воситаси билан товуш даражасини пасайиши. $\Delta L_{аэкр}$ қиймати ва қабул қилинган экран узунлиги бўйича α_1 ва α_2 бурчакларга боғлиқ равишда (32- расм) 30-жадвал бўйича аниқлаш лозим.

Экран воситаси билан товуш даражасини пасайишини қийматини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta L_{Аэкр1} \Delta L_{Аэкра} + \Lambda_д \qquad (119)$$

бу ерда - $\Delta L_{Аэкр}$ $\Delta L_{Аэкра1}$ ва $\Delta L_{Аэкра2}$ қийматларидан кичиги, дБА, 30 - жадвалдан аниқланади;

$\Lambda_д$ - тузатиш дБА, бу тузатиш $\Delta L_{Аэкра1}$ ва $\Delta L_{Аэкра2}$ қийматлари фаркига боғлиқ равишда 31 - жадвалдан аниқланади.

10.16. Экран воситачи билан, бир гурух турар жой бинолари ичидаги шовқин манбалари ва трансформаторлари шовқини товуш даражасини пасайишини 32-

29-жадвал

Товуш нурининг ўтиш йўллари узунликлари фарки, δ, м	Товуш даражасини экран билан пасайтириши $\Delta L_{a\ экр}$ B, дБА	Товуш нурининг ўтиш йўллари узунликлари фарки, δ, м	Товуш даражасини экран билан пасайтириши $\Delta L_{a\ экр}$ B, дБА
0.005	6	0.48	16
0.02	8	0.83	18
0.06	10	1.4	20
0.14	12	2.4	22
0.28	14	6	24

30-жадвал

a_1 ва a_2 бурчак град.	45	50	55	60	65	70	75	80	85
$\Delta L_{A\ экр}$ B дБА	Берилган a_1 ва a_2 бурчакда товуш даражасининг пасайиши $\Delta L_{A\ экр1}$ ва $\Delta L_{A\ экр2}$, дБА								
6	1.2	1.7	2.3	3	3.8	4.5	5.1	5.7	6
8	1.7	2.3	3	4	4.8	5.6	6.5	7.4	8
10	2.2	2.9	3.8	4.8	5.8	6.8	7.8	9	10
12	2.4	3.1	4	5.1	6.2	7.5	8.8	10.2	11.7
14	2.6	3.4	4.3	5.4	6.7	8.1	9.7	11.5	13.3
16	2.8	3.6	4.5	5.7	7	8.6	10.4	12.4	15
18	2.9	3.7	4.7	5.9	7.3	9	10.8	13	16.8
20	3.2	3.9	4.9	6.1	7.6	9.4	11.3	13.7	18.7
22	3.3	4.1	5.1	6.3	7.9	9.8	11.9	14.5	20.7
24	3.5	4.3	5.8	6.5	8.2	10.2	12.6	15.4	22.6

31-жадвал

$\Delta L_{A\ экр1}$ ва $\Delta L_{A\ экр2}$ орасидаги фарқ дБА	0	2	4	6	8	10	12	14	16	18	20	22
Λ_A, дБА тузатиш	0	0.8	1.5	2	2.4	2.6	2.8	2.9	2.9	3	3	3

32-жадвал

Шовкин манбаси ва экран орасидаги масофа, м	$\Delta L_{A\ экр}$ Экран билан товуш даражасини пасайтириш, дБА									
	Экран ва хисоблаш нуктаси орасидаги масофа, м									
	5		10		20		50		100	
	Экраннинг эффектив баландлиги, м									
	1	3	1	3	1	3	1	3	1	3
2	19	29	18	28	18	28	18	27	18	27
5	17	26	16	25	15	24	15	23	15	23
10	16	25	15	23	14	23	13	21	13	21
20	15	24	14	23	13	20	12	18	11	18
50	15	23	13	21	12	19	10	17	10	15
100	15	23	13	21	11	18	10		9	14

33-жадвал

Кўчат қилинган дарахтлар чизими	Чизим кенглиги, м	Товуш даражасини пасайиши $\Delta L_{газел}$ дБА
Бир қаторли, чизим ичида дарахтлар шахмат шаклида экилганда,.....	10-15	4-5
Шунингдек.....	16-20	5-8
Икки қаторли қаторлар орасидаги масофалар 3-5 м; қаторлар экилиши бир қаторликка ухшаш.....	21-25	8-10
Икки ёғи қаторлар орасидаги масофалар 3 м; қаторлар экилиши бир қасрлига ўхшаш.....	26-30	10-12

Эслатма. Дарахтлар баландлигини камида 5-8 м қабул қилиш лозим.

1-сон Илова

Эквивалент манба. Шовқин тавсифларини аниқлаш.

1. Пта шовқин манба учун акустик хисоблар бажарилаётганда уларни битта эквивалент манба билан алмаштиришга рухсат этилади.

2. Эквивалент манбанинг шовкинлик характеристикалари қуйидагилардир, дБ:

а) эквивалент товуш қувватини октава даражаси қуйидаги формула билан аниқланади, дБ:

$$L_p^{экв} = 10\lg\sum_{k=1}^{n} 10^{0.1L_{pk}}, \quad (1)$$

бу ерда $L^{p.k.}$ - к-чи манба товуш қувватининг октава даражаси, дБ

б) эквивалент манбанинг частотани октава полосасидаги акустик маркази, танланган координат системасида аниқланаётган x, y, z қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$X_c = \frac{\sum_{k=1}^{n} 10^{0.1L_k} \cdot X_k}{10^{0.1L_k}},$$

$$Y_c = \frac{\sum_{k=1}^{n} 10^{0.1L_k} \cdot Y_k}{10^{0.1L_k}}, \quad (2)$$

$$Z_c = \frac{\sum_{k=1}^{n} 10^{0.1L_k} \cdot Z_k}{10^{0.1L_k}},$$

бу ерда L_k - (1) формуладаги катталик;

x, y, z - к-чи манбанинг акус-тик марказининг координатлари, м;

в) эквивалент манбанинг максимал габарит ўлчами l_{max}, частоталарнинг октава полосаларидаги акустик марказлар орасидаги энг катта масофа каби аниқланади.

3. (1) ва (2) формулалар билан

хисоб ишлари бажарилганда барча манбалар, шу жумладан, частоталарни октава даражаларидаги акустик марказни жойлашишига таъсир кўрсаттани учун n манбаларнинг максимал товуш қуввати даражаси 15 дБ дан, ортиқ фарқ қилган манбалар ҳам хисобга олинади.

1. Эквивалент манбанинг частота октава полосасидаги акустик марказидан хисобланаётган нуктагача бўлган масофа танлаган координат системасида қуйидаги формула билан аникланади:

$$r = \sqrt{(x_c - x_p)^2 + (y_c - y_p)^2 + (z_c - z_p)^2}$$

(3)

Бу ерда x_c, y_c, z_c - (2) форму-ладаги катталиклар, м;

x_p, y_p, z_p - хисобланаётган нукта координатлари, м.

2-сон Илова

Тусик конструкцияларни хаво шовкин изоляциясини индекси $I_в$ ёпма тагидаги зарб шовкинининг келтирилган даражаси I_y га тузатишлар $\Delta_в$ ва Δ_y хисоблаш услуби

1. $\Delta_в$ тузатишни хисоблаш учун, хаво шовкини изоляциясининг меъёрий частота характеристикаси графигига тусик конструкциянинг хаво шовкинидан изоляцияси частота характеристикасини чизиш лозим ва чизилган частота характеристикасини меъёрий частота характеристикасидан ўртача маъкул бўлмаган оғишини аниклаш лозим.

Меъёрий частота характеристикасидан паст томонга оғишни маъкул бўлмаган оғиш деб хисоблаш лозим, ўртача маъкул бўлмаган оғиш деб, маъкул бўлмаган оғишлар йиғиндисини 1/18 киймати олинади.

Агар ўртача маъкул бўлмаган оғиши меъёрийга якинлашса, лекин 2 дБ дан ошмаса, максимал маъкул бўлмаган оғиш эса 8 дБ дан ошмаса, тузатиш $\Delta в = 0$ деб олинади.

Агар ўртача маъкул бўлмаган оғиш 2дБ дан ортиқ бўлса ёки максимал маъкул бўлмаган оғиш 8 дБ дан ошса, меъёрий частота характеристикасини пастга су-риш зарур (дБ бутун сонига), сурилиш натижасида ўртача ва максимал маъкул бўлмаган оғишларнинг сурилган меъёрий частота характеристикасида фарки юкорида кўрсатилган кийматлардан ошмаслиги лозим. Бу холда тузатиш $\Delta в$ манфий бўлиб, меъёрий частота характеристикасининг сурилиш кийматига тенг бўлади.

Агар ўртача маъкул бўлмаган оғиш 2 дБ дан анча паст ёки маъкул бўлмаган оғиш бўлмаса, меъёрий частота характеристикаси юкорига сурилади (дБ бутун сонга) сурилиш натижасида ўртача маъкул бўлмаган оғиш, сурилган меъёрий частота характеристикасига якинлашиши, аммо 2 дБ ошмаслиги, максимал маъкул бўлмаган оғиш эса 8 дБ ошмаслиги лозим. Бу холда $\Delta в$ тузатиш мусбат бўлиб, меъёрий частота характеристикасини сурилиш кийматига тенг бўлади.

2. Δ_y тузатишни хисоблаш учун зарб шовкинини келтирилган даражасини меъёрий частота характеристикаси графигига, ёпма тагидаги зарб шовкинини келтирилган даражасини частота

характеристикасини чизиш лозим ва чизилган зарб шовқинини келтирилган даражасини частота характеристикасини меъёрий частота характеристикасидан ўртача маъқул бўлмаган оғишини аниқлаш лозим.

Меъёрий частота характеристикасидан юқори томонга оғишни маъқул бўлмаган оғиш деб ҳисоблаш лозим.

Ўртача маъқул бўлмаган оғиш деб, маъқул бўлмаган оғишлар йиғиндисини 1/16 қиймати олинади.

Агар ўртача маъқул бўлмаган оғиш меъёрийга яқинлашса, аммо 2 дБ дан ошмаса, максимал маъқул бўлмаган оғиш эса 8 дБ дан ошмаса тузатиш, $\Delta y = 0$ деб олинади.


Агар ўртача маъқул бўлмаган оғиш 2 дБ дан ортиқ ёки максимал маъқул бўлмаган оғиш 8 дБ ошса, меъёрий частота характеристикасини юқорига (дБ бутун сонга) суриш зарур, бу суриш натижасида ўртача ва максимал маъқул бўлмаган оғишларни сурилган меъёрий частота характеристикасидан фарқи юқорида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги лозим. Бу ҳолда тузатиш Δy манфий бўлиб, унинг қиймати меъёрий частота характеристикасини сурилиш қийматига тенг бўлади.

Агар ўртача маъқул бўлмаган оғиш 2 дБ дан анча паст ёки маъқул бўлмаган оғиш бўлмаса, меъёрий частота характеристикаси пастга (дБ бутун сонига) сурилади, сурилиш натижасида ўртача маъқул бўлмаган оғиш сурилган меъёрий частота характеристикасига яқинлашиши, аммо 2 дБ дан ошмаслиги, максимал маъқул бўлмаган оғиш эса 8 дБ дан ошмаслиги лозим. Бу ҳолда тузатиш Δy мусбат бўлиб, унинг қиймати меъёрий частота характеристикасини сурилиш қийматига тенг бўлади.

"АҚАТМ" АТМ КУТУБХОНА

3-сон Илова
1-жадвал

Товуш ютувчи конструкцияларнинг тавсифлари. Товуш ютувчи копламалар

№ п.п	Маҳсулотлар ёки конструкциялар ГОСТ ёки ТУ	Товуш ютувчи материалнинг ўртача зичлиги ρ_{cp} кг/м3	Товуш ютувчи материал қатламининг қалинлиги, h, мм	ҳаво оралиғи d, мм	Октавалар полосасининг ўртача геометрик частотасидаги, Гц, товуш ютилишининг реверберациялаган коэффициенти, $\alpha_{об}$							
					63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Перфорацияланмаган ёпмали товуш ютувчи копламалар												
												
	Мустаҳкамлаш элементи *Товуш ютувчи материал ёки маҳсулот*											
